

СПОРТНИНГ ЯККАКУРАШ ТУРЛАРИНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Бирлашган кураш дунёси раҳбари Ненад Лаловични қабул қилди.



Ушбу нуфузли глобал тузилма билан Ўзбекистонда спортнинг яккакураш турларини ташкилий-эксперт жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва янада оммалаштириш соҳасида

амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда анъанавий тарзда юнон-рум кураши, эркин

кураш, аёллар кураши, шунингдек, аралаш жанг санъатлари фаол ривожланмоқда. Кейинги йилларда яккакурашчиларимиз нуфузли мусобақаларда 45 та юксак соврин-

ни, жумладан, Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида олтин медалларни қўлга киритди.

Музокаралар чоғида халқаро бирлашма раҳбари Янги Ўзбекистонда оммавий спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни, жумладан, ҳаммабоп ва замонавий инфратузилмани кенгайтириш, нуфузли турнир ва мусобақаларни мунтазам ўтказиш орқали ёшларни спорт ҳаракатига кенг жалб этиш борасидаги ишларни юқори баҳолади.

Мамлакатимизда йирик қитъа ва жаҳон чемпионатларини ташкил қилиш, ташкилот шафелигида Минтақавий кураш академиясини таъсис этиш, спорт тиббиёти, диетологияси, психологияси ва бошқа устувор йўналишларда шериклик масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз болалар ва ёшлар ўртасида спорт яккакурашларини оммалаштириш, иқтидорларини саралаш ва тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллалардаги тўғрақ ва заллардан тортиб, спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослашган мажмуаларгача бўлган инфратузилмани такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Бу чора-тадбирлар, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Олимпия ўйинлари ва бошқа йирик мусобақаларда янги муваффақиятларга олиб келиши керак.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти оммавий спорт ва яккакураш турларини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга қўшган катта шахсий ҳиссаси учун Ненад Лаловичга давлатимизнинг юксак мукофоти — “Дўстлик” орденини топширди.

ЎЗА

БЎСТОНЛИҚДАГИ КЕЛАЖАК, ИЛМ ВА ИШОНЧ БОҒИ

Президент ташрифидан сўнг

Президентимиз шу йилнинг 15 сентябрь куни Бўстонлиқ туманининг Чимён маҳалласида барпо этилаётган агросаноат боғига ташриф буюрди. Бу ташриф юртдошларимизга ўзига хос кўтаринки кайфият улашди. У ердаги эрта баҳордан то қишгача пишадиган кулупнай, бозори чаққон малина ва бошқа резаворларни, ҳақиқий меҳнат самарасини кўриб кўзимиз қувнади. Шу боис, ушбу ташрифга оид лавҳалар ОАВлар ва ижтимоий тармоқларда тез оммалашди. Замонавий боғдаги кулупнай томорқамизда ҳосил бераётгандай хурсанд бўлдик.

Қувончимизнинг муҳим сабаби бор эди. Яъни тоғ тепасидаги боғ ислохотларнинг амалий натижаси ўлароқ намоеён бўлди. Киёслаш зарур бўлса, Янги Ўзбекистон деган улкан боғдаги қисқа муддатда амалга оширилган ишларнинг самараси, тоғли меваси бу! Йўқ, баландарвоз гап айтмадик. Тоғ чўққисидagi сувсиз ернинг замонавий боққа айланганини кўриб, унинг яратилиш тарихи билан танишгач, бунга амин бўлдик. Куйидаги сафар таассуротларимиз орқали бунга сиз ҳам иқдор бўласиз дея умид қиламиз.

Хуллас, боғни бориб кўриш мақсадида Бўстонлиққа йўл олдик. Машинамиз кенг

ва равон йўлда бир маромда кетиб боради. Очиқ ойнадан кузнинг ёқимли шабадаси киради. Машина юқорилаб боргани сари тоғ ҳавосидан тан ҳам, руҳ ҳам ажиб бир роҳат туяди. Беихтиёр ўйлаб кетаман, одам гоҳ билиб, баъзан ўзи ҳам англамаган ҳолда, аммо ички бир туйғу ила чўққига интилиб яшайди-я?!

Яна бир ҳақиқат шундаки, чўққига элтадиган йўл доим машаққатли бўлади. Кескин бурилишларда тезликни меъёрга ушлаш, тик тепаликка мослаб газ тепкисини босиш керак. Бу инсондан билим, малака талаб этади. Бугун янги Ўзбекистон ҳам Учинчи Ренессанс деган чўққини



мўлжал олиб олға интилмоқда. Ўша маррани забт этиш учун эса сўнмас қувват керак. Бу қувватнинг битта номи — ишонч! Ўзгариш, интилиш ва мақсадга эришишга

бўлган ишонч. Уни мустаҳкамловчи куч эса илм, маърифатдир.

► Давоми 2-бетда

“ЯШИЛ” ЭНЕРГИЯ — СТРАТЕГИК ТАНЛОВ, ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ



Бугунги кунда дунёдаги энг катта муаммолардан бири энергияга эҳтиёж доимий ошиб, табиий ресурслар шиддат билан камайиб боришидир. Айниқса, инсоният ханузгача анъанавий энергия манбалари — нефть, газ кабилардан фойдаланишда давом этаётган бир вақтда. Бироқ бу манбаларнинг чеклангани, қайта тикланмаслиги ва атроф-муҳитга етказаятган салбий таъсири янги, муқобил йўллари излашга ундамоқда.

Шундай шароитда қуёш, шамол ва бошқа қайта тикланувчи манбаларга асосланган “яшил” энергия нафақат экология тоза, балки иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам устувор аҳамият касб этмоқда. Бу турдаги энергия манбалари орқали мамлакатлар нафақат энергия мустақиллигига эришмоқда, балки янги технологиялар, инновацион ечимлар ва иш ўринлари яратиш орқали иқтисодий ўсишни таъминламоқда.

“Яшил” энергиядан фойдаланиш энергетика таъминотида узлуksизлик ва барқарорлиқни таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг доимий ривожланиши, табиатни муҳофаза қилиш ва келажақ авлодларга тоза ҳаёт муҳитини қолдиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам “яшил” энергия — шунчаки технология эмас, балки инсониятнинг табиатга, ерга ва келажаққа масъулиятли муносабати ҳамдир.

Ўзбекистонда “яшил” энергетика соҳасига катта эътибор қаратилмоқда.

Бу йўналиш нафақат истиқболли, балки “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Айни пайтда дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам мамлакатимизнинг бу борадаги ютуқларини эътироф этмоқда. Ўзбекистон эса “яшил” энергияни экспорт қилиш даражасигача етиб келмоқда.

Албатта, бу шунчаки даъволар эмас, амалий натижалар билан тасдиқланган ютуқлардир. “Қуруқ қошиқ огиз йиртар” деганларидек, буни рақамлар мисолида яққол кўриш мумкин. Сўнгги саккиз йилда иқтисодиёт ўсиши ва аҳоли сони ортиши туфайли энергияга талаб ҳам шиддат билан ошиб бормоқда. Хусусан, истеъмолчилар сони 25 фоиз, яъни 1 миллион 600 минг кишига қўпайган бўлса, умумий энергия истеъмоли 54 фоиз ортиб, 25 миллиард киловатт-соатга етди.

► Давоми 4-бетда

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 октябрь куни сув ҳўжалиги соҳасини рақамлаштириш, қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳанинг хусусий сектор учун жозибадорлигини ошириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 50 минг километрлик сўғориш тармоқлари мавжуд бўлиб, 1,6 минг насос станцияси ва 10 мингдан зиёд сув объектлари фаолият юритмоқда. Сўнгги йилларда юртимизда сув ҳўжалиги тизимини ислох қилиш, ирригация инфратузилмасини янгилаш ва сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш борасида изчил чоралар кўрилмоқда. Бироқ қуйи бўғиндаги бошқарув тизимида, жумладан, хизмат кўрсатиш самарадорлиги, ҳисоб-китоблар шаффофлиги ва молиявий мустақиллик билан боғлиқ ҳали ечимини кутаётган муаммолар масалалар бор.

Тақдимотда соҳада амалга оширилаётган рақамлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Янги ёндашув асосида сув ҳисобини юритиш тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. “Suv hisobi” ахборот платформаси орқали фойдаланилган сув миқдори аниқ ҳисобланади ва истеъмолчиларга электрон тарзда маълум қилинади. Бу тизим ҳисоб-китобларда инсон омилини камайтиради, ортқча қўғозбозлиқни баргараф этади ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш мақсадида “Рақамли қишлоқ ҳўжалиги” платформаси билан интеграция йўлга қўйилди.

Шу орқали сўғориладиган ерлар, экин турлари ва сув лимитлари ҳақидаги маълумотлар автоматик янгиланиб борилади. Шунингдек, соҳадаги барча маълумотларни бир тизимда жамлаш учун Сув ҳўжалиги вазирлигининг “Сув ҳўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг маркази” ташкил этилади. Марказ сув баланси, насос станциялари ва сув сарфи бўйича маълумотларни таҳлил қилади, қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш имконини яратади.

Бундан буюн сув ҳўжалиги соҳасини рақамлаштириш масалалари билан алоҳида вазир ўринбосари шуғулланади.

Соҳада “Давлат сув кадастри” ахборот тизими яратилади. У орқали сув ресурсларига оид маълумотлар тегишли вазирлик ва идоралардан йиғилади ва ягона базада шакллантирилади. Бу, ўз навбатида, маълумот алмашиш жараёнини соддалаштириб, ҳисоб-китобларни қўғозда юритиш амалиётини қисқартиради. “Давлат сув кадастри” тизимини

2026 йил апрелига қадар тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.

Қуйи бўғиндаги хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Эҳтиёж ва мавсумий шароитдан келиб чиқиб, хизматларда штатларнинг ўзгарувчан бошқарув тизими жорий этилади. Хизматларнинг самарадорлиги КРІ кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

2026 йилдан бошлаб ҳодимларни рағбатлантириш тизимини амалий натижаларга боғланади, яъни етказилган сув миқдори ва фойдаланилган ҳажм ўртасидаги тафовут асосида аниқланади.

Муассасаларнинг молиявий мустақиллигини ошириш мақсадида сув солиғидан тушган маблағларнинг 40 фоизини ўзининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтиришига руҳсат берилади.

Сув ҳўжалиги насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш амалиёти кенгайтирилади. 2026 йилда Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги насос станцияларнинг 50 фоизи, 2027 йилга бориб эса Наманган вилоятларидаги барча насос станцияларини хусусий шерикликка бериш режалаштирилмоқда.

Бу борада Наманган вилоятининг Чортоқ туманида “бир насос — бир тизим” тамойили асосида “Чортоқ тажрибаси” амалга оширилади. Бунда хусусий шерик истеъмолчиларини сув лимити доирасида сув билан таъминлайди, насосларга боғланган майдонлардан ҳисобланган сув солиғининг 40 фоизи хусусий шерикка тўлаб берилади. Ушбу маблағлар ҳисобига сув ҳисобини автоматлаштириш ва насос станцияларини босқичма-босқич модернизация қилиш йўлга қўйилади.

Тажрибанинг мазмун-моҳияти ва афзалликларини деҳқон ҳамда фермерларга етказиш мақсадида “Сувчилар мактаби” лойиҳаси доирасида 2025-2026 йилларда ҳар бир туманда биттадан “ўқув дала-ийопон” ташкил этилиб, жами 141 та туманда 3,5 минг гектар майдон қамраб олинади.

Президентимиз мутасаддиларга соҳада рақамлаштиришни жадаллаштириш, ҳисоб ва ҳисобот жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш, қуйи бўғинда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, давлат-хусусий шериклиқни кенгайтириш ва ҳодимларнинг масъулиятини кучайтириш бўйича аниқ топшириқлар берди ҳамда бу борадаги тегишли ҳужжатларни имзолади.

ЎЗА

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — РОССИЯ САММИТИ: МУҲИМ ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

“Марказий Осиё — Россия” форматидagi иккинчи саммит ва МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши Россия билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлиб хизмат қилади. Бу формат мамлакатимиз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, хавфсизлик, иқтисодий ўсиш ва маданий алмашинувни таъминлашга қаратилган кўп қиррали ва ўзаро манфаатли шериклиқни ривожлантиради.



Президентимиз саммитдаги нутқида: “Россия биз учун муҳим, устувор стратегик шерик ва иттифоқчи бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишни таъкидлайман”, деди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтириш учун қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, тизимли сиёсий мулоқотни ривожлантириш, мунтазам учрашувлар

орқали амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма ташаббусларни назорат қилиш учун мувофиқлаштирувчи кенгаш таъсис этиш, шунингдек, амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган кенгайтирилган “Йўл харитаси”ни тайёрлаш зарур эканини маълум қилди.

► Давоми 3-бетда

Бошланиши 1-бегда

Давлатимиз раҳбари 15 сентябрда Бўстонлик туманида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали тадбирда қатнашди. Таълимдаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқадиган қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Ана шу тарихий учрашувда давлатимиз раҳбари: **“Мен бу иқтисодий кўрсаткичларга нима учун кўп тўхтаялман? Чунки иқтисодиёт қанчалик мустахкам бўлса, таълим ривожланади. Таълим сифати юқори бўлган мамлакатда эса иқтисодиёт барқарор ўсади. Бу — ҳаёт қонуни!”** дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, барча ютуқларнинг ўқилди-зи илмда. Аждодларимиз закоси икки марта уйғониш даврига асос солди. Биз Учинчи уйғониш даврини бошлаб бериш йўлида эканмиз, илмга, айлани пайтда иқтисодий тармоқларга жиддий эътибор беришимиз табиий. Мамлакатимиз таълим тизимида янги давр бошланди. Айлани пайтда йирик иқтисодий тармоқларимизга яна бир қон томир қўшиладиган бўлди. Яъни Чимён маҳалласида 3 минг гектар майдонда малина, қорағат, қулпнай, ўрмон ёнгоғи каби меваларни еттиштириш йўлга қўйилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 60 миллион доллардан ортиқ. Бу маблаг эвазига боғлар ташкил этилади, мевани қайта ишлаш корхоналари ҳамда катта сингмил омборхоналар қурилади.

Расмий ҳабадлардаги ушбу маълумотларни эслаб, кенг дала, унда пишиб етилаётган мевалар кўз олдимга келади. Машинамиз ҳамон тоғ чўққиси сари олға интилади. Тагин шу тепаликларда ҳам текис, экин учун қулай кенг майдонлар бормикан деб ўйлайман. Ён-атрофда қарайман, кўз ўрганган тик тепаликлар, қуюқ боғлар ва дам олиш масканлари кўринади. Аммо экин екишга қулай жой топилаётди. Бир маҳал асосий йўлдан чапга юриб тепага чиқдик. Биз ахтарган боғ асосий йўлга яқин экан. Аммо бир қарашда бу ерга қулпнай экилганига ишонмай-сиз. Манзара баланд-паст қир-адирларни эслатади. Бирор жойда сув йўқ. Халқимиз ибораси билан айтганда, қисир тоғ. Бундай жойда ўт-ўланган бошқа нарсаси уймайди. Бу манзил қўй боқиладиган ялғовли эслатади. Биз чиқиб борган тепаликда кичик хона-вагон бор экан. Унинг рўпарасидаги тепаликда қувурдан ҳовузга сув оқаяпти. Уларнинг ўртасидан ўтган тошлоқ йўлдан бир оз олдинга юрсангиз, сойнинг бу бошидан нариги томонигача — ёй шаклидаги ерда ястанган боғни кўрасиз. Далада опа-сингилларимиз етилган ҳосилни терапти. Билаги кучга тўлган йигитлар ҳосилни уйча ёнига ташимокда. Бизни ёши олтимши билан етмишнинг оралигидаги очиккўнгил, самимий инсон Абдулла ака Ҳамидуллаев қарши олди. Тадбиркор ақамизга муддаони айтган эдик, боғ сари йўл бошлади. Йўл-йўлаккай бу боғнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб кетди.

Сув олиб келиш учун альпинистлар ёрдам берди

— Асли Чиноз туманида туғилиб ўсганман, кейин Тошкент шаҳрида ўқиб, яшаб қолдим, — дейди Абдулла ака. — Аввал тоққа ҳеч келмаган эканман. Янги Ўзбекистонда туризмга эътибор кучайгач, Бўстонликда яшаш дам олиш масканлари очила бошлади. Қишда болаларимни олиб дам олишга чиқдим. Ҳаммаси ўшандан бошланди. Чимёнда кўпчилик қангли учиб юрган экан, менга ҳам таклиф қилишди. Аввалига унамидим. Вазим 120 килограмм эди. Аммо етмиш яшар чолнинг чанги учиб юрганини кўргач, фикрим ўзгарди. Шундан сўнг тоққа тез-тез келиб, чанги учадиган бўлдим. Қор йўқ пайтларда кўпроқ пиёда юриб, ён-атрофдаги қирлар ва чўққиларга чиқиб қизикарли машғулотим бўлиб қолди. Аввалги ишимда осонликча хонадан чиқмасдим. Ортиқча вазн ҳам шунинг оқибати эди. Табиийки, соғлигим яхши эмасди. Тоққа келгач, анча яхшиланди. Юра-нора вазн ташладим. Ана шу юришларим натижасида яқин атрофда мен чиқиб бормаган тепалик қолмади. Ушандай кунларнинг бирида ҳозир турган жойимизга келиб қарадим. Ер унумдор, тупроғи яхши. Хув анави тепаликка чиққанамда булоқ борлигини кўргандим. Ўзим Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидида ўқиганман. Соҳани яхши билганим учун сув йўлини мўлжал олдим. Сувни шунча масофадан олиб келишнинг ўзи бўлгани йўқ. Ҳатто тик қияликка дуч келиб, альпинистлар ёрдамида қотшошга қозик қоқтириб, қувур тортишга тўғри келди. Томчилатиб сугориш тизимини йўлга қўйдик. Бу тежамкор ва самарали усул.

Қулупнай жуда кўп қувват талаб қилади. Шу сабаб ерни тайёрлаш учун қўй боқадиган чўпонлардан табиий ўғит сотиб олдим. Ҳар бир гектар ерга 60 машина (бу 200 куб метр дегани) табиий ўғит бердик. Кейинги жиддий масаласи яхши нав тоғиши эди. Ўзимиздаги



Ҳасим ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

— Боққа қарайдиган доимий ишчиларимиз ҳам, ҳосилнинг чўғига қараб кунлик келиб ишлайдиганлар ҳам бор, — дейди суҳбатдошимиз. — Кунлик ишчиларнинг доимий бандлиги таъминланган, десак хато бўлмайди. Чунки ҳар кун терим бор.

қулпнайлар нари борса, бир ой ҳосил беради. Биз тўхтовсиз ҳосил берадиган қулпнай екишимиз керак. Ҳозир қулпнайимиз май ойининг охиридан токи ҳарорат минусга ўтгунча ҳосил беради.

сўм, қулупнайдан эса 500 миллион сўмгача даромад олинадим. Бундан ташқари, изланишдан тўхтаб қолганимиз йўқ. Ўзимизда қиммат нархда сотилаётган, эҳтиёж юқори экин турларини кўпайтирмақчимиз.



Аввалига интернет орқали яхши деб топилган турли навларни ўрганиб чиқдим. Ўшалар орасидан назарий жиҳатдан бизга мос келадиган энг яхши бешта нави танлаб, хориждан кўчат олиб келдик. Қулупнайларни бир йил синадик. Уларнинг орасидан “кабрилло” нави ўзини ҳар жиҳатдан оқлади. Кейинги йилда бошқа навадаги қулупнайлар ўрнига ҳам “кабрилло” эдик.

Осонгина баён этилаётган ушбу жараён, аслида, жуда катта меҳнат, маблаг ва сабр-бардош талаб этади. Беш хил навадаги қулупнай кўчатини хориждан олиб келишнинг ўзи катта харажат дегани. Уни бир йил давомида парваришлаш, жараёнда ривожланишини, ҳосилдорлиги ва мослашувчанлигини кузатиб ўрганиш... Бу инсондан олимларга хос илм ва матонат талаб қилиб, худди ўша тоғ йўлидан тепага қараб чиқишга ўхшайди.

Қиммат эмас, кўп сотиш фойдали

Юқорида бу боғни мамлакатимиздаги ислохотларнинг амалий натижаси деб атайдик. Буни қаҳрамонимиз ҳам тасдиқлайди:

— Туризмга эътибор кучаймаганида бу ерни келиб кўрамсдим. Матбуотда ҳам пиёда юришнинг, саёхатнинг фойдалари бот-бот айтилавергач, одам қобилини ёриб ташқариға чиқар экан. Менда ҳам шундай бўлди. Натижада келиб шу ерни кўрдим. Янги Ўзбекистонда тадбиркорларга кенг йўл очиб берилгани учун кўрқмасдан катта таваккал қилдим. Натижа қувонарли бўлди. Айлани пайтда 50 гектар майдонда малина ва қулупнайнинг хорижий экспортроп навларини екканмиз. Малинанинг ҳар гектарида 400 миллион

“Хув ана, тепаликни кўряпсизми?” — дейди Абдулла ака чўққи этагидидаги кенг майдонга ишора қилиб. Қаҳрамонимизнинг айтишича, одам оёғи етиши қийин бўлган ўша ер ўзлаштирилар экан. Давлатимиз раҳбари айтган уч минг гектарли янги боғ ана шу чўққи этагидида барпо этиларкан. Қувонарлиси, лойиҳа тўлиқ амалга ошгач, йилга 24 минг тоннага яқин маҳсулот етиштирилади. Унинг салмоқли қисми — ўрмон ёнгоғи ва резаворлар экспортга йўналтирилади. Муҳим жиҳати, боғларда 12 мингдан зиёд киши ишли бўлади. Янги боғда иш бошлайдиган тадбиркорларга осон бўлади. Чунки улар Абдулла аканинг тайёр тажрибасидан фойдаланади. Катта пулларини тажриба-синов учун сарф этмайди. Маҳсулотлар кўпайишидан эса гоғлар эгаси сира хавотир олмайди.

— Кўпчилигимизда нотўғри қараш шакланган, — дейди қаҳрамонимиз. — Ноеб маҳсулотни қанча қиммат сотсам, шунча кўп даромад топанман деб ўйлаймиз. Масалан, бир килограмм қулупнайни юз минг сўмдан сотсангиз, аҳолининг 20 ёки 30 фоизи сотиб олиши мумкин. Агар уни 50 ёки 30 мингдан сотсам, бу кўрсаткич 80-90 фоиз бўлади. Ҳисоблаб кўринг, бир кунда 100 минг сўмдан бир тонна сотган кўп даромад келтирадим ёки 30 мингдан 10 тонна сотишим? Албатта, 10 тонна сотиш фойдали. Шунинг учун рақобатчи кўп бўлишидан эмас, сифатсиз маҳсулот чиқаришдан қўрқиб керак. Мақсадимиз — халқимиз хориждан сотиб олаётган резаворларни маҳаллийлаштириб, сифатли ва арзон маҳсулотни кўпайтириш.

Бу банддорларга гаплар эмаслигини билмоқчи бўлсангиз, Абдулла ака Ҳамидуллаев билан бир марта суҳбатлашиб қияф. Қаҳрамонимиз йўл-йўлаккай ишчиларлар улардан олдин салом беради. Самимий нигоҳи ила ҳол-

аҳвол сўрайди. Самимият барака келтириши ҳақида ўйлайман. Ҳа, очиккўнгил, барчага бирдек самимий муносабатда бўлиш кишини баракали қилади. Бунга исталганча мисол келтириш мумкин. Янги Ўзбекистоннинг дунёга очилиши, дунё ҳам бизга қучоқ очиши жуда катта иқтисодий ўсишга сабаб бўляпти. Бугун Марказий Осиё давлатларидан тортиб, денгизу океанлар ортидаги ривожланган мамлакатлар Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамламоқда. Негаки яхши қўшничилик сабаб Марказий Осиё руҳи уйғонди. Натижада минтақа халқаро доирада катта иқтисодий қувват сифатида намоён бўлди. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида: **“Бундан 8 йил муқаддам биз ўша юксак минбардан туриб, Марказий Осиёни тинчлик, яхши қўшничилик ва шериклик маконига айлантиришга қатъий қарор қилганимизни эълон қилган эдик.**

Бугун қучур мамнуният билан таъкидлаш мумкин: биз бу стратегик мақсадга эришдик. Ёпиқ чегаралар, ҳал этилмаган бахс ва низолар даври тарихда қолди”,

дея таъкидлади.

Қисқа муддатда бутун бир минтақадаги вазият тубдан яхшиланишининг сири ўша самимият, барчага бирдек очиккўнгиллик билан дўстона қўл узатишимизда эмасми?! Ҳа, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар ҳам оддий одамлар орасидаги мулоқотларга ўхшайди. Қаерда ўзаро ҳурмат, дўстона муҳит ҳукм сурса, ўша ерда тинчлик, хотиржамлик бўлади. Бугун дунёни ларзага солаётган урушлар, даҳшатли очарчиликдан ҳалок бўлаётган болалар ва аёллар... Йўқ, улар уруш қурбони эмас! Улар келишмовчиликлар, ўз манфаатини устун қўйиб,



Ҳа, ишбилармонлиқнинг ўзгармас қоидаси фойдани кўзлаб иш қилишдир. Аммо ўша даромаднинг барчага манфаатли қилиш чинакам тадбиркорлик. Юртимизда эса Абдулла ака каби ишбилармонлар кўпайиб бораётгани кишини қувонтиради. Бунинг барчаси юқорида бот-бот такрор этганимиз — самимият билан боғлиқ. Масалан, оммавий спортга, сайёҳликка эътибор сабаб Абдулла ака Бўстонлик чўққиларини забт этди.

самимияти йўқолган совуқ муносабатлар қурбони!

Шундай ўйлар билан қаҳрамонимизга қарайман. У бугунидан кўнгли тўқ, эртасига ишонч билан бир маромада олға қадам таш-

лайди. Ён-атрофда эса ишчилар. Улар шодон гурунглашиб, ўйин-қўлги билан меҳнат қияпти. Қаҳрамонимиз кўнглимдан кечаётган фикрларни ўқийтгандай: “Улар доим мана шундай чак-чақлашиб ишлайди. Гоҳида баланд овозда қўшиқ ҳам айтиб қолади”, дейди. Сўнг Абдулла акадан боғ ишчилари даромади ҳақида сўрайман.

— Боққа қарайдиган доимий ишчиларимиз ҳам, ҳосилнинг чўғига қараб кунлик келиб ишлайдиганлар ҳам бор, — дейди суҳбатдошимиз. — Кунлик ишчиларнинг доимий бандлиги таъминланган, десак хато бўлмайди. Чунки ҳар кун терим бор. Шу боис, 100 та одам баҳордан то совуқ тушгунча, етти ой ишлайди. Улар ўртача 4,5-5 миллион сўм ойлик олади. Келиб-кейтиш, тушлиги бизнинг ҳисобимиздан.

Абдулла аканинг гапларига қуюқ тутиб кетаётиб, тагин чўққи ҳақида ўйлайман. Мақоламиз аввалида айтганимиз каби инсон доим чўққига интилиб яшайди. Ҳўш, инсонни тепаликка тортадиган, муттасил ҳаракатга келтирадиган куч нимада? Шу савол билан қаҳрамонимизга юзланаман. Ҳаётнинг паст-баландини кўрган, анча тажрибага эга инсон бу саволга жавоб беришга шошмайди.

— Гапларим банддорларга ўхшаш мумкин, лекин кўнглимда борини айтман, — дейди у. — Доим янгилик қилишга қизикаман. Бу, менимча, одамнинг қониди бор. Фақат инсон ўз устиди доимо ишласа, янгиликка интилиш юзга чиқа бошлайди. Сўнг янги-янги марраларни забт этиш завқини туяди. Мен учун муҳими нима, биласизми?! Ҳар кун иш тугаган пайтда одамларга ҳалол меҳнат ҳақини тарқатаётганимда мазаси қиламан. Бу галати эшитишлики мумкин. Лекин, рост, одамларга пул тарқатиш менга куч беради. Бу тушунтириб бўлмайдиган, изохи йўқ туйғу. Уларнинг кўзидан мамнунилик, сизга чин дилдан раҳмат айтиши кишига куч беради.

Қабида эзгулик ҳукм сурадиган одамлар савобни ишлардан куч олади, дейман. Қаҳрамонимиз самимий жилмаяди. Шу орада гапимизга йигирма билан ўттиз ёшлар оралигидаги икки синглимиз Абдулла акадан қуюқ ҳол-аҳвол сўрайди. Қаҳрамонимиз эса ўша-ўша камтарлик ила улардан уэр сўраб: “Сухбатлашаётгандик, озгина кутиб турсангизлар”, дейди.

— Улар маркетинг бўйича ишлайди, — дейди Абдулла ака боғия сингилларимизга ишора қилиб. — Аввалига қулупнайни бозорга олиб чиқдим. Бозордагилар мендан бир сўмга олса, бозорда икки сўм қилиб сотади. Кейин онлайн савдонини йўлга қўйдим. Ҳозир Тошкент шаҳрида уйдан чиқмасдан буюртма беришингиз мумкин. Ходимларимиз янги усулган қулупнайни уйингизгача етказиб беради. Муҳими, бозордан арзон. Чунки ўша бозорга кўтарасига сотиладиган нархга етказиб бериш учун озгина ҳақ қўшамиз.

Ҳа, ишбилармонлиқнинг ўзгармас қоидаси фойдани кўзлаб иш қилишдир. Аммо ўша даромаднинг барчага манфаатли қилиш чинакам тадбиркорлик. Юртимизда эса Абдулла ака каби ишбилармонлар кўпайиб бораётгани кишини қувонтиради. Бунинг барчаси юқорида бот-бот такрор этганимиз — самимият билан боғлиқ. Масалан, оммавий спортга, сайёҳликка эътибор сабаб Абдулла ака Бўстонлик чўққиларини забт этди.

даромад топаётганлар, илм ўрганиб дунёни ўзига қаратаётганлар бор. Ҳа, таълимдаги ўзгаришлар ҳам одамлар ҳаётида бирдан кўзга ташлана бошлади. Бугун кўплаб ёшларимиз энг нуфузли халқаро таълим даргоҳлари грантларини қўлга киритмоқда. Буларнинг барчаси ижобий фазилат ўлароқ жамиятимизда оммалашиб борапти. Дарҳақиқат, инсоний фазилатлар, янги марралар сари интилишга иштиёқ юқумли бўлади. У аввалига битта нуқтада илдиз отади ва шароит, имкониятлар сабаб жамиятда кенг тарқалади.

Бўстонлик тумани Чимён маҳалласида барпо этилаётган агросаноат боғи ҳақидаги хабарлардан қувонишимизнинг асл сабаби ҳам шунда. Яъни бугун бир бутун халқ, ягона ватанмиз деган эзгу гоғ атрофида бирлашдик. Шу боис, ютуқлардан умумий қувониб, фахрланиш ҳисси пайдо бўлди.

Мақоламиз аввалида таълим ва иқтисодиётнинг уйғунлиги ҳақида айтган эдик. Янги ташкил этилаётган агросаноат боғи бунинг ҳаётий тасдиғи бўлади. У ерда замонавий илм-фан асосида юксак иқтисодий қувват яратилади. Муҳими, боғ халқимизнинг табиий тоза ва сифатли маҳсулотта бўлган эҳтиёжини қоплайди. Қаҳрамонимиз Абдулла аканинг таъкидлашича, қор суви экин учун жуда фойдали. Биз кўпича тоза ичимлик сув одам учун керак деб ҳисоблаймиз. Аммо сувнинг сифати қанча яхши бўлса, ердаги шўрланиш шунча кам бўлади. Бу тупроқдаги фойдали элемент, ўғитларнинг самарадорлигини оширади. Бўстонлик таълимга эга қор қалин тушади. Бу янги агросаноат боғи учун қоний фойда дегани. Мана шунинг ўзидек илмий ёндашувнинг фойдаси, таълим ва иқтисоднинг ажралмас эканига далил.

Тараққиёт мезони

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида: **“Устувор мақсадимиз — мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронининг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадри ва фаровонлигини оширишдир”**, деди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқарди. Бунга эришиш осон бўлгани йўқ. Ана шу машаққатли меҳнат, аввало, таълим, илм-фани юксалтиришга қаратилди. Барча жаҳада инновацион ёндашувлар қўллаб-қувватланди. Олис ҳудудларда ҳам технологик sanoat корхоналари барпо этилди. Шунга муносиб тарзда “яшил” энергетика ва транспорт инфратузилмаси модернизация қилинмоқда. Кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш орқали иш ўринлари яратилди. Мухтасар айтганда, демократик, ҳукукий, иқтисодий ва дунёвий янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсати орта қайтмас ислохотлар билан изчил давом этмоқда. Сода қилиб тушутирганда, тараққиёт мезони учди. Қўзланган марра сари бошланган йўлимизда илк доводдан ошдик. Ана шу йўлни қандай босиб ўтганимизни таҳлил этсак, келгуси манзилимиз кўз олдимизда намоён бўлади.

Дарвоқе, мезон ҳақида. Деҳқон ва боғбонлар яхши билади, кузда 22 сентябрдан кейин мезон учди. Ўшандан сўнг узилган ҳосил қишда яхши сақланади. Чунки мезон учгач, ҳосил орасида хоми қолмайди, етилган бўлади. Айлани пайтда ўша мезон қишнинг қандай келишини тахмин қилиш имконини беради. Оппок, ипак толасидай майин мезон бошида туғун бўлса, қишнинг аввалида ёғингарчилик кўп бўлади. Агар ўртаси қалин, думи ингичка бўлса, қиш чиласидаги совуқ ва қордан бошқа ҳеч нарсаси умид қилмаган яхши. Ипак тала қанча қалин бўлса, қиш шунчалик баракали келади. Ўрни қишдаги совуқ, қор-ёғиннинг қўпчилиги деҳқончилик учун қоний фойда. Шу боис, халқимиз азалдан қишчи куч йиғиш, бир муддат тин олиб, янги ниш уриш даври ҳисоблайди. Шахсий кузатувида бу тахмин доим тўғри чиққан.

Тоғдан Абдулла ака билан суҳбатлашиб қайтар эканман, мезон ҳақида ўйладим. Аждодларимиз шунчалик закий бўлганки, улар мезоннинг шаклига қараб, қишнинг қандай келишини билган. Ўйлашимча, бу табиат илмини пухта ўрганиш, йиллар давомидаги кузатувлар, ҳаётий тажрибалар маҳсули.

Назаримда, тараққиётнинг мезони ҳам худди шундай. Унинг ипак толаси илм, иқтисод ва маърифатдан бўлади. У қанчалик мустахкам бўлса, чўққиға элтадиган доводлар шунча осон забт этилади. Шу жиҳатдан у табиатнинг эмас, инсон меҳнати, ақл-заковати, унинг интилиш ва орзулари ҳосиласидир. Сўз ва амал бирлиги эса уни янада мустаҳкам қилади. Бугун янги Ўзбекистонда орта қайтмас тус олган ўсиш ва ўзгаришлар, эришилган ютуқлар тараққиёт мезонининг мустаҳкамланиб бораётганидан далолат.

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



РУСТАМ ЎРМОНОВИЧ АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг таниқли намояниси, мамлакатимизнинг биринчи мудофаа вазири, истеъфодаги генерал-полковник Рустам Ўрмонович Аҳмедов 82 ёшида вафот этди.

Р.Аҳмедов 1943 йил 10 ноябрда Фарғона вилоятининг Бағдод туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг дастлаб Тошкент олий танк қўмондонлик билим юртида, кейин Москва шаҳридаги Зирқли танк қўшинлари ҳарбий академиясида таълим олди.

Бутун ҳаётини ҳарбий соҳага бағишлаган Р.Аҳмедов танк полкида взвод командири, танк дивизияси сиёсий бўлими бошлигининг ёрдамчиси, танк дивизияси батальони командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, Тошкент олий танк қўмондонлик билим юрти курсантлар батальони командирининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилиб, шахсий таркибни бошқариш, унинг ҳарбий, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини ошириш борасида етарли билим ва тажриба орттирди.

Тошкент олий танк қўмондонлик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик ва Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган йилларида унинг ташкилотчилик қobiliяти яққол намоён бўлди.

Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнг Р.Аҳмедов Ўзбекистон Республикасининг мудофаа вазири, айни вақтда бирмунча муддат Миллий гвардия қўмондонини вазифасини бажарувчи сифатида фаол иш олиб бориб, миллий армиямизни шакллантириш, давлатимиз мудофаа тизимини барпо этиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш йўлида жонбозлик кўрсатди. Мудофаа вазирлигининг Бош штаби қайта ташкил этилиб, Қуrolли Кучлар Бирлашган штабига айлантирилди, ҳарбий округлар тузилиди, ҳарбий қисмларнинг joyлашув ва бошқарув тизими такомиллаштирилди.

Таниқли ҳарбий қўмондон, самимий ва камтарин инсон Рустам Аҳмедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, В. МАХМУДОВ, Ш. ХАЛМУХАМЕДОВ



Мудофаа вазирлигининг бошқа куч тузилмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Р.Аҳмедов 1997-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси фавқуллоҳда вазиятлар вазири лавозимидда ҳам самарали фаолият олиб борди.

Фахрий генерал, улуг ёшда бўлишига қарамасдан, Янги Ўзбекистонда Қуrolли Кучларни модернизация қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлигини ошириш борасидаги улкан ислохотларни амалга оширишда мудофаа вазирининг маслаҳатчиси сифатида ўзининг бой билим ва тажрибаси билан фаол иштирок этди. Қайси лавозимда хизмат қилмасин, ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб, ўз зиммасидаги вазифаларни масъулият ва шараф билан бажарди, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда шахсий намуна кўрсатди.

Р.Аҳмедовнинг ҳарбий соҳадаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикасининг II даражали “Шон-шараф” ва “Дўстлик” орденлари билан мукофотланди.

Таниқли ҳарбий қўмондон, самимий ва камтарин инсон Рустам Аҳмедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

ШАФФОФЛИК, САМАРАДОРЛИК ВА ТЕЖАМКОРЛИК

ЯНГИ КОДЕКС НИМАЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

Инсон танасининг ўртача 70 фоизини сув ташкил этади. Она ҳомиласида бу кўрсаткич 99, янги туғилган чақалоқ танасида 90 фоиздир. Шу жиҳатдан қараганда, сувнинг инсоният учун қанчалик муҳим ва қадрли экани яққол кўринади. Яна бир мисол. Қадимда аҳоли сув ўтган манзилларни мақон тутган. Шу тарзда инсониятнинг илк тамаддун ўчоқлари сув бўйида шаклланган. Чунки на одамзод, на ҳайвонот, на наботот сувсиз ҳаёт кечири олмайди. Аммо биз ўша ҳаёт манбаига “совуқ” муносабатда бўлишга шу қадар ўрганиб қолган эдикки, узоқ йиллар давомида “оққан дарё оқаверадир”, “сув текин” деган хавотирсиз ва ҳақиқатдан йироқ қалллар ичида яшаб келдик.

Глобал иқлим ўзгариши бутун дунёга, жумладан, Марказий Осиёга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Иқлим ўзгариши оқибатида 2050 йилга бориб, Тяньшань ва Помир тоғ тизмаларидаги жами музликлар 30-50 фоизгача эриши ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида сувга талаб 50 фоизгача ошиши кутилмоқда. Бунинг оқибатида Ўзбекистонда сув танқислиги ўртача 15-25 фоизга, чўлилаши даражаси эса 123 миллион квадрат метрга етиши мумкин. Шу боис, сўнгги йилларда Ўзбекистонда сув билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга, соҳада ҳам илмий, ҳам ҳуқуқий йўналишларда чуқур ислохотлар ўтказиш зарурати бор эди.

Шундан келиб чиқиб, Сув кодекс қабул қилинди. Мазкур кодекс 2025 йил 31 октябрдан кучга киради. Кодекс мамлакат тарихида илк бор сув тўғрисидаги қонунчилик нормаларини ягона ҳужжат сифатида тизимлаштирди.

— Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясидаги нутқида инсоният олдиди турган муаммолар қаторида иқлим ўзгариши ва сув ресурслари тақ-

Кун мавзуси



чиллигига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Дўстмурод Абдуллаев. — Бу Ўзбекистоннинг глобал муаммоларга фаол ёндашувини ва халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга интилишини яққол кўрсатмоқда. Шу нуқтани назардан, яқинда қабул қилинган Сув кодекси муҳим ҳуқуқий қадам сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Кодекс барча иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳитнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, инфратузилмани ривожлантириш, сугориладиган ерлар ҳолатини яхшилаш каби долзарб масалаларни қамраб олган.

Албатта, амалдаги кодексда сувдан фойдаланиш тартиби, энг аввало, инсон саломатлиги ва ҳаётий эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланган. Унга мувофиқ, сув ресурсларидан фойдаланишда, биринчи навбатда, аҳолининг ичимлик ва маиший эҳтиёжлари, шунингдек, санитария-эпидемиологик хавфсизлик ҳамда экологик талаблар қондирилиши зарур ҳисобланади. Бундай тизимли ва инсонпарвар ёндашув мамлакатимизда устувор этиб белгиланган “Инсон қадри учун” тамойилнинг амалдаги ифодасидир. Шу йўл билан фуқароларнинг турмуш сифати яхшиланади. Уларнинг соғлом ҳаёт кечиришига асос яратилади.

Сув ресурсларини бошқаришда экотизимни муҳофаза қилишга қаратилган

Ўзбекистон раҳбари иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш ва транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янги босқичга кўтариш зарурлигини қайд этар экан, кейинги йиллардаги мураккаб иқтисодий шароитга қарамай, Ўзбекистоннинг Россия ва минтақадаги давлатлар билан товар айланмаси 15 фоиз ўсганини, имкониятлардан кенг фойдаланилса, бундан ҳам юқори натижаларга эришиш мумкинлигини қайд этди.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини яхшилаш ва аграр ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган “Марказий Осиё — Россия агроэкспресс” лойиҳаси учун маҳсулот бозорларига ўзаро киришни енгиллаштириш, жараёнларни соддалаштириш заруратини баён қилди.

Товар айланмаси ўсиши ва тартиб-таомилларни легаллаштириш кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиради, янги иш ўринлари яратди ва минтақани транзит хаб сифатида кучайтиради.

Шимол — Жануб транспорт йўлидан фаол фойдаланиш орқали автомобиль, темир йўл ва авиация алоқаларини самарали интеграция қилиш мумкин. Бухоро шаҳрида “Марказий Осиё — Россия” саноат инжиниринг хаби ташкил этилса, у илғор муҳандислик ечимларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва оммалаштириш учун ноёб технологик майдончага айланиши барчага бирдек манфаат келтиради. Шимол — Жануб йўлагига логистикадаг асосий элемент бўлиб, Осиё ва Европа ўртасидаги транспорт самарадорлигини оширади.

Давлатимиз раҳбари Тошкентда ўтказиладиган “Иннопром. Марказий Осиё” кўргазмалли форум имкониятларини янада кенгайтириш учун ушбу тадбирга “Марказий Осиё — Россия” мулоқоти форматидagi асосий саноат ва инновация майдони макomini беришни таклиф қилди. Бу тадбирнинг аҳамияти ва самарадорлигини янада оширади.

лашда хусусий сектор билан ҳамкорлик қилиш имконияти яратилади. Бундай чоратадбирлар орқали сув билан боғлиқ хизматлар сифати ошади.

Кодексда хўжаликлараро тармоқларни самарали ишлатиш ва уларни модернизация қилишда хусусий сектор билан ҳамкорлиқни кучайтириш белгиланган. Бу чоратадбирлар хизматлар сифатини ошириш билан бирга жалб қилинаётган инвестицияларни реконструкция ва инновация жараёнларида йўналтириш имконини яратди. Мазкур ёндашув иқтисодиётни либераллаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Натижада хорижий ва маҳаллий инвесторлар фаоллиги ошиб, соҳада хусусий сектор учун янги имкониятлар эшиги очилади.

Бугун ана шундай ёндашув доирасида мамлакатимизда 6,4 триллион сўм қийматидagi 463 та сув хўжалиги объекти хусусий сектор бошқарувига ўтказилган. Бу лойиҳалар доирасида 110 миллиард сўм инвестиция жалб этилди. Натижада 90 га яқин насос агрегати янгиланиб, хизматлар сифатини оширишга эришилди.

— Янги қабул қилинган Сув кодексида сув ресурсларини бошқаришда жамоавий ёндашув жорий этилмоқда. Миллий ва ҳавза даражасида ташкил этиладиган Сув кенашларига давлат органлари, олимлар, фермерлар, фуқаролик жамияти вакиллари фаол жалб этилади. Бундай модель қарорлар қабул қилиш жараёнида очиклик ва шаффофлиқни таъминлайди. Маҳаллий аҳоли ва манфаатдор томонлар фикрини инобатга олишга хизмат қилади. Шу билан бирга, илғор технологияларни жойларда татбиқ этишни енгиллаштиради. Бу нафақат сув ресурсларини муҳофаза қилиб, улардан оқилона фойдаланишга, балки қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши ҳамда экологик мувозанатни сақлашга хизмат қилади, — дейди Салоҳиддин Жалилов.

Яна бир асосий йўналиш янги ёндашув сифатида жорий этилаётган рақамли сув хўжалиги тизимидир. Бу тизим соҳада шаффофлиқни таъминлаш ва назоратни реал вақтда амалга оширишни кўзда тутди. Ушбу тизим марказида электрон ҳужжат айланимаси ва сув исътомолини онлайн тарзда ҳисобга олишга босқичма-босқич ўтиш жараёни турибди. Сувдан фойдаланиш бўйича тузиладиган шартномалар махсус ахборот тизими орқали рўйхатдан ўтказилади. Бу усул инсон омилини камайтиради ва хатолар эҳтимолини қисқартиради. Янги тизим сув фойдаланувчилари учун аниқ ва тушунарли қондаларни шакллантиради. Қолаверса, объектив статистика ва сув хўжалиги тармоқларидаги йўқотишларни камайтириш имконини беради. Натижада ресурслардан самарали фойдаланишга эришилади. Шу асосда “Рақамли сув хўжалиги” тизими жорий этилиши соҳада шаффофлиқни таъминлаб, йўқотишларни камайтиришга хизмат қилади. Аниқ ва ишончли бошқарув механизми шаклланади.

Шухрат НОРМУРОДОВ, журналист

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — РОССИЯ САММИТИ: МУҲИМ ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Муносабат

Бошланиши 1-бетда



Шимол — Жануб транспорт йўлидан фаол фойдаланиш орқали автомобиль, темир йўл ва авиация алоқаларини самарали интеграция қилиш мумкин. Бухоро шаҳрида “Марказий Осиё — Россия” саноат инжиниринг хаби ташкил этилса, у илғор муҳандислик ечимларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва оммалаштириш учун ноёб технологик майдончага айланиши барчага бирдек манфаат келтиради. Шимол — Жануб йўлагига логистикадаг асосий элемент бўлиб, Осиё ва Европа ўртасидаги транспорт самарадорлигини оширади.

Тошкентда жорий йил апрель ойида ўтказилган бу кўргазмада 35 мамлакатдан 10 мингдан ортиқ иштирокчи қатнашди. Унда беш миллиард долларлик битимлар имзоланди.

Бу ташаббуслар машинасозлик, газ қимёси, мис саноати ва аниқ қурилмалар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам беради, мамлакат ва минтақанинг саноат салоҳиятини мустаҳкамлайди.

Энергетика соҳасида ҳам ҳамкорлик стратегик даражада ривожланмоқда. Устувор лойиҳалар қаторига Ўзбекистондаги биринчи атом электр станцияси қурилиши ва кўп функцияли ядро тиббиёти марказини ташкил

этиш киради. Атом энергетикаси бўйича минтақавий малака марказини яратиш ва Москва давлат муҳандислик-физика институтининг Тошкент филиалида мутахассислар тайёрлаш дастурлари мамлакатнинг кадрлар салоҳиятини оширади.

Инновациалар соҳасида Ўзбекистонда Россиянинг “Сколково” маркази филиалини ташкил этиш, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар бўйича Минтақавий эксперт кенгашини тузиш давр талаби экани билдирилди. Ушбу тузилмалар келгусида асосий АТ компаниялар ва илмий муассасаларни бирлаштирувчи майдон бўлиши шубҳасиз.

Шунингдек, саммитда қўшма маданий, таълим ва илмий дастурларни кенгайтириш, Марказий Осиё ва Россия халқлари маданияти, санъати ва ижодиёти фестивали — йиллик этно-маданий форумни ташкил этиш таклиф қилинди.

Саммитдаги ташаббусларга кўра, “Келажак муҳандислари” илмий-таълим конкурсими дуал таълим ва илмий лойиҳаларни рағбатлантириш тамойилида етакчи олийгоҳлар ва илмий муассасаларни бирлаштиради. Ўзбекистонда бугун Россиянинг 15 та университети филиаллари фаолият юритмоқда. Бу эса таълим тизимларини интеграциялаш имконини беради. Шу билан бирга, минтақадаги ёш олимлар учун махсус грант дастурлари яратилиши илмий салоҳиятни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги муҳим вазифа терроризм, экстремизм, одам савдоси ва наркотрафикка қарши курашиш учун махсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигини мувофиқлаштиришдир. Президентимиз Афғонистон билан ҳамкорлиқни ривожлантириш ва бу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттиришга кўмаклашиш бўйича ёндашувларни мувофиқлаштириш мақсадида юқори даражадаги маслаҳатлашувларни ўтказиш имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, Ўзбекистоннинг Россия ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги деррли барча соҳаларни қамраб олади ва минтақавий интеграциянинг мустаҳкам асосини яратди.

Бир сўз билан айтганда, “Марказий Осиё — Россия” форматидagi иккинчи саммит Ўзбекистон ва Россия шериклигининг минтақани барқарор ривожлантиришдаги стратегик аҳамиятини янада юқори босқичга олиб чиқади. Қўшма лойиҳалар ва ташаббуслар ҳаётнинг барча муҳим соҳаларини қамраб олган бўлиб, олдинга силжиш ва мувофиқ ҳаракатларни таъминлайди. Саммит ўн йиллик алоқаларни мустаҳкамлашда ва минтақавий ҳамкорлиқни кенгайтиришда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ролини ошириши билан аҳамиятли.

Дурбек АҲМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бугунги нотинч ва ўзгарувчан дунёда энг катта ҳайвонот капиталидир. Президентимиз МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишидаги нутқида ана шу ҳақиқатни яна бир бор эслатиб, илм-фан, таълим, маданият ва санъат бизни бирлаштирадиган, келажак сари етаклайдиган энг мустаҳкам пойдевор эканини таъкидлади.

ЭНГ ГЎЗАЛ МЕРОС



Мулоҳаза

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий шериклик, сиёсий барқарорлик ёки хавфсизлик тизимлари — буларнинг бари инсон тафаккури, билими, ўзаро ишонч ва маданият маҳсулидир. Шу боис, Президентимиз таълим соҳасидаги ҳамкорлиқни янги босқичга кўтариш зарурлигини қайд этиб, дипломлар, малака ва академик дастурларни ўзаро тан олиш, профессионал стандартларни ўйғунлаштириш, ёшларнинг ижодий ҳамда интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш каби муҳим ташаббусларни илгари сурди. Йиғилишда Президентимиз томонидан транспорт, иқтисодиёт, энергетика, рақамли технологиялар, хавфсизлик, фан, таълим ва маданият каби соҳаларда қатор ташаббуслар ўртага ташланди. Айниқса, таълим соҳаси бўйича илгари сурилган таклифлар алоҳида аҳамият касб этади.

Соҳадаги ислохотлар натижасида дипломлар, малака ва академик дастурларни ўзаро тан олиш жараёнида ўзгаришлар бўлади. Талаба ва мутахассисларнинг нафақат мамлакатимиз, балки халқаро ёки минтақавий меҳнат бозорларида эркин ҳаракатланиши, ишга joyлаштириши ва юқори таълим олиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, профессионал стандартларни ўйғунлаштириш бўйича ишлар таълим сифатини ошириш ва меҳнат бозорида рақобатбардор кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Бу эса мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига замин яратди. Умуман олганда, ислохотлар таълим тизимини янги босқичга кўтариб, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда сезиларли ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади.

Булар шунчаки гап эмас, балки келажак авлод учун очилган янги уфқдир. Чунки ҳар бир ёшнинг билимга интилиши, илмга садоқати бутун жамият тараққиётини белгилайди. Президентимизнинг Ёшлар лабораториясини яратиш госяси ёш иқтидор еталари учун илҳом манбаи, уларнинг орзуларини амалий лойиҳаларга айлантириш майдони бўлади.

Салкам бир асрлик тарихга эга бўлган, илм ва маърифат маскани — Фарғона давлат университетида анъанага айланган, илиқ ва самимий руҳда ўтаётган “Ректор ва ёшлар” учрашувида талабалар билан дилдан суҳбатлашар эканман, уларнинг ҳар бир нигоҳида ишонч, ҳар бир сўзида умид ва фидойиликни кўрдим. Айниқса, чет тиллар факультетининг биринчи босқичида таҳсил олаётган очиқ фикрли, ташаббускор ва изланувчан ёшлар халқаро форум ташкил этиш ниятида эканини билдиргани жуда маъқул бўлди. Нега деганда, бу ташаббус замирида нафақат улкан масъулият, балки орзу, қатъият ва ватан олдидаги садоқат мувожасам. Президентимизнинг Душанбе йиғилишида Хива шаҳрида МДХ Ёшлар форуми ташкил этиш ташаббуси халқларимиз ўртасидаги дўстлик, маънавий яқинлик рамзидир. Зеро, ёшлар бирлашса, келажак бирлашади.

Бугун дунё рақамли технологиялар, сунъий интеллект, инновацион иқтисодиёт сари бораётган бир пайтда таълим тизими ҳам янгигача фикрлаш, янгигача ёндашушни талаб қилади. Президентимизнинг рақамли ҳамкорлиқни кучайтириш ҳақидаги чакириги айнан шунга йўналтирилган: билим алмашини, тажриба ўрганиши, ўзаро ўқитиш орқали бир-биримизни бойитиш, ҳамфикр бўлиш. Шундай экан, бугун ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир талаба, ҳар бир ота-она бу чакирқини юракдан ҳис этиши керак: таълим энг катта сармоя, энг ишончли қафолат, энг гўзал меросдир.

Президентимиз айтганидек, таълим ва илм-фан соҳасида қўшма дастурларни кенгайтириш, малака мезонларини ўйғунлаштириш, ёшларнинг интеллектуал қучини бирлаштириш нафақат МДХ доирасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлайди, балки бутун минтақа келажакни нурафшон этади. Зеро, билим билан бирлашган халқларни ҳеч қандай тўсиқ енга олмайди. Илм билан ривожланган жамиятни ҳеч қандай куч тўхтатишга қодир эмас. Тафаккур билан юксалётган авлодини эса фақат ёрқин келажак кутади.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор



ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб масалага айланиб бораётган айти пайтда нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мавсумий эмас, доимий етказиб бериш талаб этилмоқда. Бундай шароитда йил давомида сифатли маҳсулот таклиф қила олган давлатларгина жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгалламоқда. Бироқ оддий дала шароитида йил бўйи муттасил маҳсулот етказиб бериш имконсиз.



Жамшид АБДУЗУХУРОВ,
қишлоқ хўжалиги вазири
ўринбосари

Бу жиҳатдан қараганда, иссиқхоналар — замонавий ресурс тежовчи, автоматлаштирилган технологиялар билан жиҳозланган, юқори самардорликка эришган аграр объектлар. Бу фақат ўсимлик парваришладанган жой бўлиб қолмай, замонавий фермерлик ва мева-сабзавотчиликнинг “қорағи”дир.

Ўсимликлар табиат инжиқликларидан холи муҳитда, тинч ва қулай шароитда ўсиши, шунингдек, йил давомида сифатли ва экспортбон маҳсулотлар етиштириш имконияти мавжудлиги бонис, иссиқхона хўжаликлари-нинг иқтисодий фойда олиши учун ҳам кенг шароит яратилган.

Бундан ташқари, иссиқхонада агротехник тадбирларни амалга ошириш оддий майдондагига қараганда энгил ва самаралилиги, етиштирилган маҳсулотлар бозорда юқори талабга эга бўлгани сабабли фермерларга барқарор даромад келтиради. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидаги ишсиз ҳамда кам таъминланган оилалар даромадини ошириш, турли ижтимоий дафтарларда рўйхатда турувчи юртдошларимизнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишда ҳам иссиқхона хўжалигининг ўрни беқийс. Чунки ҳовли ёки томорканинг бир четида қурилган кафтдеккина иссиқхона ҳам иқтисодий муаммолар гирдобига тушиб қолган оиланинг оёққа туриб кетишида муҳим аҳамият касб этади. Шу тариқа иссиқхона фермерлик ва тадбиркорлиқни янги босқичга кўтариб, аҳоли бандлигини таъминлаш, юртдошларимизга сифатли ва экологик тоза, қафолатланган маҳсулотларни тақдим этишга хизмат қилади.

Кейинги йилларда иссиқхона хўжалиги ривожини янги босқичга кўтаришмоқда. Зеро, бозорларимизни йил давомида турли сабзавотлар, полиз, кўкат ва цитрус маҳсулотлари билан таъминлашда ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашда иссиқхоналарнинг ўрни катта, албатта.

Бугун мамлакатимизда 5,1 минг гектар иссиқхона мавжуд бўлиб, сўнгги етти йилда

уларда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳамми 110 минг тоннадан 546 минг тоннага кўпайди. Иссиқхоналарнинг 2379 гектари (937 таси) газ, 1483 гектари (1082 таси) кўмир, 430 гектари (237 таси) буг ва 7 гектари (4 таси) электр энергияси ёрдамида иситишга мослаштирилган, 840 гектари эса (695 та) иситилмайди.

Иссиқхоналарда жами 35 минг 532 та, жумладан, 8271 та доимий ва 27 минг 260 та мавсумий иш ўрни очилган. Маҳаллий 1867, хориқлик 55 агроном юқори сифатли маҳсулот етиштириш бўйича иссиқхоналарда фаолият юритмоқда.

2025 йил куз-қиш ва 2026 йил қиш-баҳор мавсуми учун иситиш тизимлари мавжуд бўлган жами 4300 гектар иссиқхоналарда экинлар экиш, жумладан, 1903 гектарга помидор, 1084 гектарга бодиринг, 207 гектарга булғор қалампир, 16 гектарга қалампир, 33 гектарга баклажон, 2 гектарга полиз экинлари, 1 гектарга картошка, 675 гектарга цитрус мевалар ва 195 гектарга кўкат, 77 гектарга кўкат ва 107 гектарга гул экиш режалаштирилган.



Ушбу майдонларда қиш-баҳор мавсумида 260 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириб, ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш кўзда тутилган. 2024-2025 йиллар қиш-баҳор мавсумида 4432 гектар иссиқхоналарда 267,8 минг тонна маҳсулот етиштирилган.

Иссиқхоначилик — давр талаби. Олдин қишлоқ хўжалиги фақат мавсумий ҳосилга боғлиқ бўлса, бугун эса иссиқхона технологиялари шарофати билан айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўрт фаслда узлуксиз етиштириш мумкин. Аҳолини йилнинг ҳар қандай пайтида мева-сабзавот билан таъминлаш имконини беради.

Бундан ташқари, иссиқхоналар маҳсулдорлиқини ошириш билан бирга, ресурсларни тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш воситаси сифатида ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ жойлардаги аҳоли учун катта имкониятлар яратмоқда. Бу соҳада очилган минглаб иш ўрни ёшларнинг юртда қолиши, оилаларнинг барқарор даромад топишига хизмат қилади. Қисқаси, иссиқхона — ижтимоий барқарорлик ва фаровонлик манбаи.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли сонини кескин ўсиши, янги турар жой бинолари қурилиши натижасида иссиқлик энергия манбаларига эҳтиёж ҳам ортди. Бундан ташқари, қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик муносабатлари тўғрисида иссиқхонада етиштирилган маҳсулотлар нисбатан арзон нархда мамлакатимиз бозорига кириб кела бошлади. Аграр соҳага боғлиқ бўлмаган шу каби қатор омиллар ҳисобига юртимиздаги иссиқхона хўжаликлари кечиктирмай ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларга дуч келди.

Ушбу масалаларнинг ечимини топиш ва иссиқхона хўжаликлари фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирилик мутасаддиларининг мамлакатимиздаги иссиқхона хўжаликлари раҳбарлари билан учрашувлари ташкил этилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.



Иссиқхона хўжаликлари раҳбарларининг тақлифларини инобатга олган ҳолда, Иссиқхона хўжаликлари молиявий аҳолининг соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича республика ишчи гуруҳининг 3 та йиғилиш баёни асосида 11,7 триллион сўмлик (91 фоиз) кредитларни қайтариш муҳлати 7 йилдан 14 йилга узайтирилиб, иссиқхоналарда ҳосилни йиғиб олиш ва сотиш муддатига мослаштирилди.

Президентимизнинг “Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан иссиқхона хўжаликлари томонидан кўтарилган яна бир асосий масала, яъни табиий газ учун олинган 1000 фоиз пул тўлаш муаммоси ҳал этилди. Энди иссиқхона хўжаликларига ҳосил йилнинг дастлабки 3 ойи (октябрь, ноябрь ва декабрь)да етказиб бериладиган табиий газ тўловининг 50 фоизи олинган, қолган қисми эса кейинги ойлاردан бошлаб ой якунига қадар тўланади.

Шунингдек, Вазирил Маҳкамасининг “Иссиқхона хўжаликлари иссиқхоналарни кўмир ёқилишида иситиш учун кўмир қозонини харид қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаш тартиби тўғрисида”ги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига иссиқхоналарни кўмир ёқилишида иситиш учун харид қилинган кўмир қозони харажатларининг 20 фоизгача қисmini қоплаш учун, бироқ 80 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда бир мартила субсидия берилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Вазирил Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, иссиқхона хўжаликлари хориждан малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатининг 50 фоизи, бироқ бир ойга бир мутахассис учун 1000 доллар эквивалентидан ошмаган қисмига субсидия берилади.

Қолаверса, ҳукуматнинг лимончилик соҳасини қўллаб-қувватлашга доир қароридан илгор тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш,

уларга хорижий тажрибани ўргатиш, зарур ҳолларда чет элда тажриба орттириши ва халқаро даражада тан олинган сертификатлар олиши учун ҳар йили 5 миллиард сўм ажратиш, лимон етиштиришга ихтисослаштирилган ҳудудлардаги аҳоли хонадонлари ва ижарага берилган ер майдонида ихчам иссиқхоналар қуриб бериш ҳамда 3 йиллик имтиёзли даври билан 7 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш имконияти яратилди.

Соҳада эришилаётган ютуқлар билан бирга солиқ, молиявий қўллаб-қувватлов, кредит юқини қаматириш, айланма маблағ ажратиш, ёқилги ресурсларидан фойдаланиш, минерал ўғит ва кимёвий воситаларни импорт қилишдаги имтиёзлар билан боғлиқ қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Уларни бартараф этиш юзасидан жорий йил 30 июль кунин Президентимиз ҳузурида мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини қўлайитиришда янги заҳира ва имкониятларни ишга солиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда иссиқхона хўжаликлари қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари иссиқхоналар озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий хавфсизлик масаласида эканини таъкидлади. Мазкур йиғилишда тегишли идораларга соҳада қатъий назорат ўрнатиш вазифаси топширилди. Иссиқхоначилик ҳосил манбаи бўлиш билан бирга замонавий агроиндустрия асосига айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қишда ҳам, ёзда ҳам бозорга чиқара олиш иқтисодиётнинг барқарорлиги ва халқ хўжалигидаги мувозанатни таъминлайдиган омилдир.

Бугунги иссиқхона нафақат хўжалик, балки экспортни ошириш имконияти ҳамдир. Унинг ҳар бир гектари — хориқ бозорларига йўл, ҳар бир тонна маҳсулот — миллий валюта мустақамлашиши ва иқтисодий барқарорлик асоси. Шу боис, Ўзбекистоннинг келажақдаги иқтисодий салоҳияти нефть-газ ёки кон ресурслари билан бирга ана шундай янги авлод аграр соҳаси — иссиқхоначилик

каби самарали йўналишлар билан ҳам белгиланади.

Ушбу омиллардан келиб чиққан ҳолда, Қишлоқ хўжалиги вазирилик тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иссиқхона хўжаликлари қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирларни кўрмоқда.

Жумладан, ҳудудларда тадбиркорлар янги замонавий иссиқхоналар ташкил этиши учун 2025 йил 1 август ҳолатига кўра, тижорат банклари 14,2 триллион сўмлик кредит ажратган. Шундан 11,4 триллион сўми ёки 80 фоизи халқаро молия институтлари ҳисобига тўғри келади.

2025 йил куз-қиш ва 2026 йил қиш-баҳор мавсумида иссиқхоналарда маҳсулот етиштириш жараёнини тўғри ташкил этиш учун илмий-тадқиқот институтлари билан бирга илмий асосланган тасвиномолар ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди.

Ҳозир иссиқхоналарда энергия манбаларидан фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биринчи устувор йўналиш сифатида электр билан иситиладиган иссиқхоналарни ривожлантириш режалаштирилган. Бу, аввало, иқтисодий самардорлик ва экологик барқарорлиқни таъминлайди.

Шунингдек, газ билан иситиладиган иссиқхоналарга ҳам шарт-шароит яратилиб, барқарор ишлаши қўллаб-қувватланади. Чунки бу йўналиш маҳсулот таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқариш самардорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Айрим ҳудудларда кўмирдан фойдаланиш анъанаси сақланиб қолган. Бу ҳолда ҳам ишлаб чиқарувчилар манфаатини инобатга олган ҳолда филтёр ўрнатиш талаби асосида ишлаш имконияти яратилди. Асосий мақсад — бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий фойда қўриш, ҳам экологияни муҳофаза қилиш.

Бугун шу устувор йўналишлар асосида янги дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Улар ижроси орқали юртимизда иссиқхоналар кўпаяди, аҳоли бандлиги таъминланади. Энг муҳими, минглаб оилаларнинг турмуш тарзи яхшиланади.

Мавсум мобайнида табиий газ, кўмир, иссиқлик таъминоти (буг) ҳамда электр энергияси билан таъминлаш бўйича иссиқхона хўжаликлари талаблари ўрганиб чиқилди. Ушбу эҳтиёжни мавсум давомида узлуксиз ва барқарор таъминлаш мақсадида тегишли вазирилик ва идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат штаб ташкил этилади. Мавсум давомида иссиқхона хўжаликларида юзга келётган муаммоларни тезкор бартараф этиш чораси кўрилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги энг долзарб масалага айлانган бир пайтда иссиқхоначилик Ўзбекистон учун стратегик аҳамият касб этади. Бу соҳадаги ҳар бир лойиҳа мамлакатнинг экспорт имконияти кенгайиши, қишлоқлар тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

“ЯШИЛ” ЭНЕРГИЯ — СТРАТЕГИК ТАНЛОВ, ҚАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Бошланиши 1-бегда

Бундай шароитда қайта тикланувчи манбаларни кенг жорий этиш стратегик заруратга айланди. Шу мақсадда “яшил” энергияни ишлаб чиқариш бўйича тарихий аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, 2016 йилда 59 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилда 85 миллиардга етди. Келаси йилда эса 97 миллиард киловатт-соатгача ўсиши kutilмоқда. Жорий йилнинг ўзида 6,5 миллиард киловатт-соат “яшил” энергия ишлаб чиқарилиши ва умумий энергия генерациясида унинг улуши 30 фоизни ташкил етди. 2030 йилга келиб эса 35 миллиард доллар тўғридан тўғри инвестиция жалб қилиниб, “яшил” энергиянинг умумий улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган.

Бу натижалар нафақат халқаро, балки миллий иқтисодиётимиз ва жамиятимиз эҳтиёжларига жавоб берадиган аниқ стратегик ёндашув самарасидир. “Яшил” энергиянинг энг истиқболли йўналишларидан бири қуёш энергиясидир. Ушбу энергия тури орқали нафақат табиатни асраш, балки иқтисодий барқарорлик ва энергия таъминотида мустақилликка эришиш мумкин. Қуёш энергиясини амалиётга жорий этиш орқали биз келажақ авлодлар учун соғлом, тоза ва хавфсиз муҳитни сақлаб қолиш имконига эга бўламиз.

Мамлакатимиз бу йўналишда изчил харакатларни давом эттирмоқда. Қуёш энергетикасини ривожлантириш, “яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш ва халқаро ҳамкорлиқни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар ажин келадиган.

Ўрлобой ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Тошкент давлат аграр
университети доценти, техника
фанлари бўйича фалсафа доктори

жақда миллий иқтисодиётнинг янги драйверига айланиши шубҳасиз.

Қуёш нуруни оқилона ва самарали тарзда энергияга айлантириш фақатгина табиатни муҳофаза қилиш эмас, балки миллий иқтисодиётимизни диверсификациялаш, экологик барқарорликка эришиш ва истиқболли ривожланиш таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Шу жиҳатдан янги Ўзбекистонда қуёш энергиясига энергетика мустақиллиги ва халқ фаровонлигига олиб боровчи асосий манба сифатида қаралмоқда.

Қабул қилинган муҳим дастур ва ҳужжатлар айнан шу соҳадаги ислохотларнинг

мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қуёш панеллари ҳамда кичик қувватли шамол турбиналарини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу стратегия амалда ўз натижасини бермоқда. Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида йиллик қуёш электр станциялари қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. Лойиҳалар амалга оширилганда сўнг юртимизда электр энергияси ишлаб чиқаришида қайта тикланувчи манбаларнинг улуши сезиларли даражада ортади.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш, аиникса, қишлоқ жойларда қуёш батареялари ва шамол турбиналаридан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу нафақат арзон ва экологик тоза энергия манбаи, балки янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга ҳам катта ҳисса қўшади.

Муқобил энергиядан самарали фойдаланиш Ўзбекистоннинг энергетика соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, табиий газ ва нефть каби анъанавий манбаларга боғлиқликни қаматириш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва жаҳон экологик муаммоларини ҳал этишда мамлакатимизнинг фаол иштирокчини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда йилга 300 кундан зиёд қуёшли кун мавжуд бўлиб, қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш учун беқийс имоният яратилди. Агар бу имкониятлардан оқилона фойдаланилса, электр таъминоти узлуксиз бўлади, ёқилғига боғлиқлик қамаяди, атроф-



Истиқболли лойиҳалар

УШБУ МАҚОЛани ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



муҳит тоза сақланади ва чекка қишлоқларда ҳам энергия билан таъминлаш муаммолари ечимини топади.

Айниқса, қишлоқ ҳудудлар ва фермер хўжаликлари учун қуёш энергиясидан фойдаланиш стратегик аҳамиятга эга. Шу мақсадда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишга қаратилган давлат дастурлари амалиётга жорий этилмоқда. Бу дастурлар қишлоқ аҳолиси ва фермерлар фаолиятида энергия таъминотини барқарорлаштиришга йўналтирилган.

Қуёш энергияси қикки қувватли фотоэлектр станциялар орқали узок қишлоқ ҳудудларни электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, фермер хўжаликлари учун сув насослари, иссиқхоналар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуёш панеллари ўрнатиш

харажатларини қисқартириш, самардорликни ошириш ва экологик барқарорлиқни таъминлашда қўл келади.

Қуёш энергетикасини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредитлар ва субсидиялар тақдим этилмоқда. Бу эса қишлоқ аҳолиси ва тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Бугунги кунда аҳоли орасида қуёш энергиясидан фойдаланиш, аиникса, фотоэлектр станциялар ўрнатиш борасида турли соволлар ва иккилановлар мавжуд. Бу эса қуёш панелларидан фойдаланишнинг турли усуллари ва ҳар бирининг афзал ҳамда камчилик жиҳатларини яхши англаш зарурлигини кўрсатади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қуёш энергиясидан самарали фойдаланишнинг учта асосий тизими мавжуд: тармоққа

уланган (on-grid), тармоқдан мустақил (off-grid) ва аралаш (hybrid).

Тармоққа уланган тизимда кундузи қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилган энергия, аввало, хонадон эҳтиёжини қондириб, ортиқча қисми давлат электр тармоғига узатилади. Тунги пайтда эса уй электр таъминотини давлат тармоғидан олади. Бу тизим шаҳар ва тармоқ яқинидаги қишлоқлар учун қулай.

Тармоқдан мустақил тизимда эса хонадон давлат тармоғидан тўлиқ узилган ҳолда фақат қуёш панеллари ва аккумуляторлар орқали энергия билан таъминланади. Кундузи ишлаб чиқарилган энергиядан уйда фойдаланилади ва ортиқча қисми аккумуляторларда тўланади. Тунги пайтда эса энергия айнан мана шу тўпланган заҳирадан олинади. Бу усул чекка ва электр тармоғига уланмаган ҳудудларда жуда самарали.

Аралаш, яъни hybrid тизимида эса хонадон ҳам давлат тармоғига, ҳам аккумуляторга уланган бўлади. Кундузи қуёш панеллари уй эҳтиёжини қоплайди ва ортиқча энергия тармоққа узатилади. Электр узиллишлари бўлган ҳолда эса тизим автоматик равишда таъминотга заҳирасига ўтади ва уй узлуксиз таъминотга эга бўлади. Бу усул электр узиллишлари тез-тез учрайдиган ҳудудлар учун мақбул ечим.

Қуёш энергиясининг ҳаётида самараси турли мисолларда аққол кўзга ташланади. Масалан, Тошкент вилоятидаги фермерлардан бири қуёш панеллари ёрдамида сув насоси ишлатиб, ўз ерларини арзон ва самарали сугорини имконига эга бўлмоқда. Навоий вилоятидаги бири уй хўжалиги эса off-grid тизимини ўрнатиб, электр таъминотида давлат тармоғидан тўлиқ мустақил бўлган. Самарқанддаги ишлаб чиқарувчи hybrid тизимдан фойдаланиб, иш жараёнини электр узиллишларисиз давом эттирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қуёш энергияси қишлоқ аҳолиси ва фермерлар учун ишончли, тежамкор ва экологик тоза манба бўлиб, келажақда нафақат иқтисодий фойда, балки барқарор яшаш муҳитини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Шаҳарларда ва электр тармоғи яқинидаги ҳудудларда тармоққа уланган, чекка ҳудудларда мустақил тизим, узлуксиз таъминот талаб этиладиган жойларда эса гибрид усулдан фойдаланиш энг мақбул ечим саналади.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори, профессор



Туркий давлатлар ташкилотининг Озарбайжоннинг Габала шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммити тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Нуфузли тadbирда Президентимиз томонидан илгари сурилган амалий ташаббуслар бuni яққол тасдиқлайди. Аслида, давлатимиз раҳбарининг

халқаро саммитлар, учрашувлар, мулоқотларда айтаётган барча таклифлари, фикрлари замирида умуминсоният манфаатларига хизмат қилувчи даъват, тинчлик, барқарорлик, фаровон ҳаёт йўлидаги ғоялар мўжассам. Бу сўнгги йилларда янги Ўзбекистон юритаётган дўстона ташки сиёсат самарасидир. Шу боис, галдаги саммитда ҳам Ўзбекистон томонидан билдирилган ташаббуслар иштирокчи давлатлар томонидан фаол қўллаб-қувватланади.

ТДТ туркий дунё бирдамлигининг институционал ифодаси бўлиб, тарихий босқичлар орқали ривожланди. Ташкилот бугунги кунда умумий тарих, тил ва маданият асосида ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаётган, минтақавий барқарорлик ҳамда тараққиётга хизмат қилаётган нуфузли халқаро ташкилотга айланди.

Хар гал ТДТ саммити халқлар тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлиги йўлида бирлашишга интилишни намоян қилди. Бу борада 2024 йил 6 ноябрь кунги Бишкек шаҳридаги саммитда Ўзбекистон ташаббуси билан тарихий ҳужжат — Туркий дунё хартияси қабул қилинишни қардош давлатлар ва халқлар ўртасида ривожланиб бораётган кўп қиррали ҳамкорлиқнинг ёрқин ифодаси бўлди.



Президентимизнинг Габала саммитидаги нутқи, ташаббуслари кенг жамоатчиликда доимгидек катта таассурот қолдирди. Орузинтилишлар сари дадил одимлашга, янада жипслашишга сабаб бўлди. Негаки ушбу ғоя ва ташаббуслар нафақат мамлакатимиз, балки аъзо давлатлар, Марказий Осиё халқлари учун ҳам ҳар томонлама манфаатли. Бунинг ёрқин мисолига бугун барчамиз гувоҳимиз. Дунёнинг энг йирик ОАВларида, ижтимоий тармоқларда янги Ўзбекистон шижоати хусусида фикрлар янграмоқда. Жумладан, янги Ўзбекистон кучли, стратегик, марказлашган ва тарихий ҳақиқатларга таянган ҳолда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга интилаётган давлат эканини Президентимиз саммитдаги нутқида ўртага ташлаган ташаббуслари билан яна бир қарра тасдиқлади.

Минтақавий ва глобал хавфсизлик масалалари бўйича ёндашувларни мувофиқлаштириш мақсадида Самарқандда Туркий давлатлар ташкилоти ташкил ишлар вазирлари ва махсус хизматлари раҳбарлари биринчи қўшма учрашувини ўтказиш таклифи этилди. Бу аъзо давлатларнинг дипломатик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва мавжуд муаммоларни бамаслаҳат, ҳар томонлама манфаатли равишда ҳал этиши имконини беради.

Стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлиқ тўғрисидаги шартномани тез фурсатда қабул қилиш қўллаб-қувватланади. Шу мақсадда Туркий давлатлар ташкилотини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги айтилди. Янги Ўзбекистоннинг сўнгги тўққиз йиллик сиёсатида яхши қўшничилик ва халқлар ўртасида дўстлик муносабатларини

“Туркий давлатлар саноат альянси, “Туркий яшил йўлаклар” тизими ва “Яшил трансформация” консорциумини ташкил этиш таклифларининг ҳам ўзига хос моҳияти бор. Янги Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараён шиддатли тус олган. Қардош давлатлар манфаатлари бирлашиб, “Туркий яшил йўлаклар” тизими ва “Яшил трансформация” консорциуми ташкил этилиши бу борадаги эзгу мақсадлар рўёбинини жадаллаштириб, тараққиёт сари биргаликдаги йирик ҳаракат юзага келади.

суради ва уни амалга оширишни таъминлайди. Бу ҳар галги саммит ҳуосаларида маълум бўлмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ушбу ташкилотнинг лойиҳа офиси бўлиши мантиқан тўғри.

Туркий давлатлар саноат альянси, “Туркий яшил йўлаклар” тизими ва “Яшил трансформация” консорциумини ташкил этиш таклифларининг ҳам ўзига хос моҳияти бор. Янги Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараён шиддатли тус олган. Қардош давлатлар манфаатлари бирлашиб, “Туркий яшил йўлаклар” тизими ва “Яшил трансформация” консорциуми ташкил этилиши бу борадаги эзгу мақсадлар рўёбинини жадаллаштириб, тараққиёт сари биргаликдаги йирик ҳаракат юзага келади.

Органик қишлоқ хўжалиги бўйича экспертлар гуруҳини ташкил этиш ва туркий органик маҳсулотларнинг

ягона брендини жаҳон бозорига олиб чиқиш ғояси ўта муҳим. Албатта, ташкилотга аъзо давлатларда миллий бренд маҳсулотлар мавжуд ва улар дунё бозорига бир давлат номидан чиқяпти. Умумий бренд остида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар эса чегара ва транзит хизматлари чегирмалари ҳамда қулай имтиёзлар қўллаш натижасида жаҳон бозорига ҳам сифатли, ҳам арзон нархларда кириб боради.

Президентимиз нутқида ўрта йўлакни ривожлантириш ва уни “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли ҳамда Трансафгон йўлаги лойиҳалари билан боғлаш муҳимлигини таъкидлади. Ўзбекистон транспорт инфратузилмаси имконияти жиҳатидан минтақада етакчи ва илгор давлат. Мана шу имкониятни аъзо давлатлар билан, жумладан, энг кучли иқтисодиётлардан бири — Хитой ҳамда ШХТ ҳамкорлигида амалга ошириш мақсад қилинган.

Туркий инвестиция жангармаси фаолиятини кенгайтириш ҳамда халқаро ва миллий молия институтлари билан ҳамкорлик дастурини қабул қилиш зарурлиги айтилди. Бунинг натижасида ташкилот манфаатлари доирасида янги молиявий қўллаб-қувватловчи институтлар вужудга келади.

Сунъий интеллект ва креатив иқтисодиёт бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилиш ва Туркий дунё халқаро кўргазмасини Ўзбекистонда ўтказиш ғояси жуда долзарб. Биз ахборот ва сунъий интеллект инсоният ҳаётига жадал кириб келаётган даврда яшайтимиз. Бугун сунъий интеллект глобал тармок тариздан илгор ҳаракатга айланмоқда. Бу борада жамиятларга икxобий тараққиёт кириб келиш билан бирга ахборот хуружи ҳам ўсиб бориш табиий. Шундай экан, туркий давлатларнинг умумманфаатига хизмат қилувчи кучли кадрларни тайёрлаш, билим ва қўникмаларини биргаликда ривожлантириш муҳим. Ўзбекистонда қўшма тадқиқотлар ва инновациалар майдонига айландиған Туркий давлатлар халқаро университети ташкил этилиши бунда қўл келади, албатта.

2026 йилда “Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижоди — Туркий дунё маънавий ҳаётида” мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббуси ҳам илгари сурилди. Туркий тили давлатлар ҳақида сўз юритганда, албатта, Алишер Навоий кўз олдимизда гавдланади. Унинг турк тили ривожига юксак ҳиссасини нафақат туркий халқлар, балки дунё яхши билади. Бу ташаббус бугунги таълим даргоҳларида туркий дунё илдишларини боғловчи улуглар ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш, ёшларни ажодларига муносиб авлод бўлиб етиштириш ундайди.

Умуман олганда, Габала саммитида илгари сурилган ташаббуслар Туркий давлатлар ташкилоти фаолияти



ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — УМУММИЛЛИЙ МАҚСАД

Фан олимпиадалари маркази иш бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган даврда Ўзбекистон терма жамоаси бир неча нуфузли халқаро олимпиадада тарихий натижаларга эришди. Мисол учун, ўтган йили 128 медал қўлга кирилган бўлса, жорий йилнинг шу пайтигача дунё таълим саҳналарида 199 маротаба юртимиз номи шарафланди. Кейинги йили мактаб ўқувчилари ўртасида халқаро кимё ва информатика олимпиадалари илк бор Ўзбекистонда бўлиб ўтади. Ундан кутилаётган натижа катта. Фан олимпиадалари маркази директори Тўрабой ШЕРМАТОВ билан суҳбатимиз шу ва бошқа масалалар хусусида бўлди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қобилиятли ҳамда фанларни чуқур ўрганишга қизиқадиған ёшларни аниқлаш ва селекция қилиш, улардаги иқтидорни янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил қилинган марказимиз иқтидорли ўғил-қизлар учун билим ва ижод майдони бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Марказимиз ўқувчиларининг халқаро фан олимпиадаларидаги иштирокини таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш билан шуғулланади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ўқувчиларнинг халқаро олимпиададаги натижаси юқори бўлишида қатор омиллар муҳим ўринга эга. Биринчидан, уларни саралаш жараёни шаффоф. Қолаверса, ҳар бир саралаш босқичи катта қўшма кўчатирилган машғулот ташкил этилади. Қўшма ўқув йиғинлари ўтказилади.

Шу билан бирга, фан олимпиадаларига тайёргарлик жараёнига хориждан ҳам мутахассислар, олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилинапти.

Фан олимпиадаларига вилоят олимпиадаси ғолиблари, яъни 9-, 10-, 11-синфларнинг энг юқори натижа кўрсатган 5 ўқувчиси ва минтақавий ҳамда нуфузли халқаро мусобақалар ғолиблари жалб этилади. Ҳар бир фан бўйича ўртача 400-500 ўқувчи қамраб олинади.

Математика бўйича нуфузли жаҳон олимпиадасида 6, кимёдан 4, физикадан 5 ўқувчи иштирок этади. Шу боис, иккинчи босқичда 12-18 иштирокчи саралаб олинади ва хорижлик тренерларга бириктирилади. Сўнг чет элга қўшма ўқув йиғинига жўнатилади, қучайтирилган машғулотда тайёрланади.

Иккинчи саралаш натижасига кўра, яхши натижа эришган ўқувчилар терма жамоага олинб, олимпиадада иштироки таъминланади. Саралаш босқичларидаги саволлар халқаро олимпиада стандарти асосида тузилади.

— Халқаро олимпиадада иштирок этаётган жамоа аъзолари чет тилини билиши шартми?

— Халқаро олимпиадада битта стандарт бор: ўқувчи синовларни ягона тилда топиштириш шарт эмас. Унга ўзини эркин ҳис қилиши учун олимпиада жараёнидаги у яхши тушунадиган тилга таржима қилиш имконияти берилади. Бу вазифа терма жамоа раҳбарига юклатилади. Олимпиада бошланишидан олдин мамлакатлар терма жамоаларига ўқувчининг хоҳишига кўра вазифа берилади. Албатта, хорижий тилларни билган яхши. Мустақил равишда халқаро олимпиада материаллари билан шуғулланиш имконини беради. Лекин тил билмаслик халқаро олимпиадада иштирок этишмаслик ёки терма жамоага қира олмаслик учун сабаб бўлмайди.



— Ўзбекистонда фан олимпиадалари ўтказилишини қўллаб-қувватлаш қайси жиҳати билан фарқланади?

— Фан олимпиадалари доимий қўллаб-қувватланганидан йўналиш даражасига олиб чиқилган. Бу нафақат ўқувчиларни қизиқтириш, балки келажақда фундаментал, табиий фан билимдонларини кашф этиш учун қўйилган муҳим қадамдир.

Мен жаҳон кимё олимпиадаси бошқарув қўмитаси аъзосиман. Нуфузли олимпиадалардаги иштироким чоғида бошқа давлат вакиллари юртимиздаги эътиборни юқори баҳолайди. Иштирокчиларининг ҳатто транспорт харажатино аҳоли йиғиб берадиган мамлакатлар бор. Бизда иштирокчини саралаб олиш, ўқитиш текинлиги, вакилимиз ғолиб бўлса, 80 миң долларга яқин пул берилишини айтганимда хорижлик ҳамкасбларим ҳайратланган.

2017 йилгача ҳам республика миқёсидаги ҳамда халқаро олимпиадалар ўтказилган. Уша йили Ўзбе-

кистон терма жамоаси 15 та медални қўлга киритган. Жорий йилнинг 9 ойида вакилларимиз 199 та медалга сазовор бўлди. Таҳлиллар натижа бир неча баробар ошганини кўрсатмоқда. Бу таълим ва фандаги кескин бурилишдан далолат.

Ўзбекистоннинг ютуқларини бошқа мамлакатлар ҳам тан олапти. Мисол учун, ҳозир кимё ёки математика олимпиадаларида терма жамоамиз алоҳида ҳурмат қилинади. Сабаби, Ўзбекистон юқори кўрсаткичли мамлакатлар сафида. Босқичма-босқич физика, информатика фанлари ҳам ривожланипти. Информатика фанидан жорий йилда илк маротаба терма жамоамиз аъзолари кумуш медални қўлга киритди. Бу салоҳиятимиз ошаётганини кўрсатапти.

— Кейинги йили мактаб ўқувчилари ўртасида нуфузли халқаро кимё ва информатика олимпиадалари илк бор Ўзбекистонда бўлиб ўтади. Бундан нималар кутиляпти?

— Келгуси йили дунёнинг энг ёш кимёгар ва информатикалари Ўзбекистонда жамланади. Биз ҳам халқаро майдонда айни шу йўналишларда яна бир бор ўз салоҳиятиимиз намойиш этиш имкониятига эга бўламиз. Чунки саволларни мезбон мамлакат вакиллари тузди. Демак, халқаро олимпиада стандартларига момакамал саволлар тузилиши керак.

Жараёнларга тайёргарлик аллақачон бошланган. Мамлакатимизда буюк алломаларимиз номи билан аталадиган халқаро олимпиадалар ташкил этиб келинмоқда. Мисол учун, Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика-информатика олимпиадаси, Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро кимё олимпиадаси, Ал-Фарғоний номидаги физика олимпиадаси, Абу Али ибн Сино номидаги халқаро биология олимпиадалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу Ўзбекистоннинг халқаро олимпиада ўтказиш бўйича тажрибага эга эканини кўрсатади.

Кейинги йили мамлакатимизда ўтказилиши кўзда тутилган кимё бўйича беллашувда 96 мамлакатдан ёш кимёгарлар иштирок этади. Информатикадан 90 дан ортқ давлат вакиллари беллашиши

кутиляпти. Ҳозир жараёнга маҳаллий экспертлардан саралаб олинган илмий қўмита билан бирга тажриба алмашш мақсадида халқаро экспертлар ҳам жалб этилган. Улар олимпиада учун зарур материаллар тўпламини тузишти. Умид қиламизки, бу олимпиадалар тарихида ҳар жиҳатдан энг яхши беллашувлардан бири бўлади.

— Ўтган йилга нисбатан медаллар сони ошган, кўрсаткичлар юқорилиги кишига гурур бағишлайди. Айтинг-чи, бу муваффақият замирида нима мўжассам?

— Битта омилни айнан шу деб кўрсатиш қийин. Бироқ ҳақиқат шуки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Президент мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган ўқув муассасалари очилгани таълим тизимини янги босқичга олиб чиқишга замин ҳозирлади. Қолаверса, ота-оналарнинг дунёқараши ҳам ўзгарган. Ҳозир асарият ота-оналар болаларни кичик ёшиданоқ билим эгаллашга йўналтирмоқда.

2019 йилда халқаро олимпиада ғолибларини моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди. Бу фан олимпиадалари тарихида янги даврни бошлаб берди. Илдан йилга натижалар сезиларли даражада ошди. Ўз устида ишлаган устоз ва мураббийлар, дунё илм-фани майдонида юқори натижа кўрсатаётган ўқувчилар меҳнати бугун юксак даражада кадр ва рағбат топмоқда.

Фан олимпиадалари маркази ташкил этилгани, жараёнларнинг тўлиқ шаффоф ўтказилиши, қисқаси, бутун механизм муваффақиятга эришишда ҳал қилувчи аҳамият касб этапти.

— Ўқувчилар учун халқаро олимпиадаларда руҳий босимни енгиш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?

— Мусобақада икки хил босим бўлади. Биринчиси — академик босим, боланинг билими топишириқни бажаришга етиши ёки етмаслиги бўлса, иккинчиси — руҳий босим. Тайёргарлик жараёнида академик босимни енгиш учун ўқувчига тўғри материал бериш, илмий салоҳиятини ошириш керак. Руҳий босимни енгиш бўйича алоҳида тайёргарлик кўрилади.

Олимпиадага тайёргарлик жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир саралаш босқичдан аввал бир ҳафталик интенсив машғулотлар мунтазам ўтказилади. Бунда ўқувчилар фан бўйича чуқур билим олиш баробарида ўзаро яқиндан танишиб, дўстона муҳитда рақобатлашишни ўрганади. Яқунда ёзма синов ўтказилганда, иштирокчилар натижани хотиржам қабул қилади. Чунки ўқувчи камроқ балл олса ҳам, бу унинг билими паст экани эмас, балки ёнида ундан кучлироқ рақиб борлигидан далолатлигини тушунади. Натижада болаларда “Мен юта олмадим” деган тушқун кайфият эмас, балки ўз устида кўпроқ ишлаш ва ривожланиш истати шаклланади. Рақибининг бир ҳафта куза-ти, унинг юксак натижасини тан олади. Олимпиадада яқунда эса билиминин янада такомиллаштириш ҳақида ўйлайди.

Ўқувчи чегараланган вақтни тўғри режалашти-ра олиши керак. Чунки одатда қийин масала биринчи берилади. Бола еча олмаса, стрессга тушади. Бутун олимпиада учун ажратилган вақтининг ярмини биринчи масаласга сарфлаб қўяди. Унда олтига масала бўлса, энди қолган вақт бешта масалани ечишга сарфланади. Алтоматик шошиш хато қилишга олиб келади.

Муваффақиятга эришишда тажриба муҳим. Тажриба учун эса вақт керак. Вақт қисқа бўлади. Ҳамма гап фидойий устозда қолади. Статистикани таҳлил қилсак, қайси фандан терма жамоа раҳбари ва устозлари фидойий бўлса, ўша фандан яхши натижага эришилган.

Ўқувчиларга кўпроқ тажриба майдони яратиб бериш керак. Оддий, арзизмаган хато бутун меҳнатни йўққа чиқариши мумкин. Бу эса тажриба ва психологик тайёргарлик даражасига боғлиқ.

Ҳозир марказимиз ўқувчиларнинг олимпиадаларга тайёргарлик кўришида асқатадиган методик қўлланмалар, олимпиада материаллари ва мусобақа масалаларига оид видеоматериаллар тайёрламоқда.

Бундан ташқари, педагоглар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида республика бўйлаб ўқитувчилар олимпиадасига шарт берилди. Физика, кимё, биология, математика, информатика ва ахборот технологиялари фанларидан дарс беришни муаллимлар беллашди. Бу уларга ҳақиқий олимпиадани ҳис этиш, ташкилотчилик ва баҳолаш жараёни билан яқиндан танишиш имконини беради.

Мамлакатимизда умумий миллий мақсадга айланган таълимни ривожлантириш борасидаги сайл-ҳаракатлар натижа бера бошлади. Бутун турли минтақавий ва халқаро олимпиадаларда юқори ўринларни эгаллаб, юртимиз шаънини кўтарётган иқтидорли ўғил-қизлар эртага эл қорига ярай-диган инсонлар бўлиб қамолга етади. Фан олимпиадалари маркази эса уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун бор имкониятини ишга со-моқда. Зеро, буюк муҳаддис олим Имом Бухорий айтганидек, “Дунёда илмдан ўза нажот йўқ ва бўлмағай”.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

САМАРҚАНД ЮНЕСКО ЮБИЛЕЙ СЕССИЯСИНИ ЎТКАЗИШГА ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

Президентимиз 2024 йил 15 март куни “2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолаган эди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтариб, мамлакатимиз нуфузини ошириш ва кўп томонлама алоқаларни чуқурлаштиришга хизмат қилишга қаратилган.

2023 йил 7-22 ноябрь кунлари Париж шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессияси ўтказилган эди. Унда Ўзбекистон томони навбатдаги сессияни Самарқанд шаҳрида ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Қувонарлиси, бу бир овоздан қўллаб-қувватланди ва жаҳон ҳамжамияти томонидан муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Чунки ЮНЕСКО бундай сессияларини 1985 йилдан буён Париждан ташқарида ўтказмаган. Яна бир муҳим жиҳат, Самарқандда бўладиган сессия ташкilotнинг 80 йиллигига тўғри келади. Бу ҳам ўзига хос рамзий маънога эга, албатта.

2017-2023 йилларда миллий маданий мероснинг 14 та ноёб намунаси ЮНЕСКО рўйхатидан жой олди. Шунингдек, Бухоро

тимизнинг “юмшоқ кучи”ни, маданий дипломатиясини халқро миқёсда таништиш ва тан олдиришга хизмат қилади. Чунки миллий маданият давлат суверенитетининг асосий компонентларидан бири ҳисобланади. Глобаллашув шароитида уни халқро даражага олиб чиқиш жуда муҳим.

Иккинчидан, “2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорда қатор муҳим вазифалар берилган. Хусусан, “Самарқанд — жаҳон тамаддуллари чорраҳасида” китоб-альбоми ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этилади. Почта маркалари ва конвертлар туркуми, тақвимлар ва кўргазмалар тарғибот воситалари яратилади.



шаҳри “Иждоқор шаҳарлар тармоғи”га кириптилд. 2023 йил сентябрь ойида ЮНЕСКО бош қароргоҳида буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги кенг нишонланди. Бу ҳам икки томонлама муносабатлар тобора ривожланиб бораётганини кўрсатади. Мамлакатимиз Маданий бойликлари сақлаш ва реставрация қилиш халқро марказига аъзо бўлди. Бухоро “Креатив шаҳарлар тармоғи”га қўшилди. Самарқанддаги “Ипак йўли” университетига ЮНЕСКО кафедраси очилди. Ўтган йили таълим, маданият, рақамли ва инновацион технологиялар соҳаларида 7 та янги лойиҳани амалга ошириш бошланди. Қолаверса, Турон чўллари ва Зарафшон-Қорақум йўлагини, ипакчилик, қулолчилик, рубоб чалиш ва ифторлик анъаналари, “Бухоро амири девонхонаси архиви”, “Туркистон альбоми”, “Худойберган Девонов фотоальбоми” ЮНЕСКОнинг махсус рўйхатига кириптилди.

Шу ўринда Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясидан нималар кутишмоқда, унинг аҳамияти қандай деган саволлар туғилади.

Биринчидан, ЮНЕСКО сессияси ўтказилган ҳудуд халқро майдонда кенг тарғиб этилади. Яъни медиамаҳсулотлар, аудиовизуал асарлар яратилади. Жараён маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эфирга бериб борилади. Ўша ҳудуддан тайёрланган медиамаҳсулотлар ижтимоий тармоқларда махсус ҳештег ва чорлов каби усуллар орқали кенг тарқалади. Демак, бу тадбир юр-

Шунингдек, эсдалик, қумуш ва олтин тангалар муомалага чиқарилади. Шу орқали бой тарихий меросимиз янада кенг тарғиб қилиниб, мамлакатимизга сайёҳлар оқими кўпаяди.

Учинчидан, мазкур сессия ва унинг доирасидаги тадбирларда 194 давлатдан 5 мингдан ортиқ иштирокчи келиши кутилмоқда. Биргина ЮНЕСКО котибиятидан 400 ходим келиши режа қилинган. Шунингдек, давлат раҳбарлари, халқро ташкилотлар етакчилари, вазирлар ва элчилар Самарқандда жам бўлади.

Меҳмонлар учун “Silk Road Samarkand” мажмуасидаги 8 меҳмонхонада 1176 та, Самарқанд шаҳридаги 130 та меҳмонхонада 4178 та хона ажратилиб, форум кунлари учун банд қилиб қўйилган. Қолаверса, хорижлик меҳмонлар учун юртимизнинг бой маданий мероси билан яқиндан таништириш учун Тошкент, Бухоро, Хива ва Шахрисабзда маданий тадбирлар, экскурсиялар ва қабуллар ўтказилади. Шунинг ўзидек мазкур сессиянинг миллий манфаатимиз учун муҳим эканини аниқлатади.

Минтақамизда биринчи марта ўтадиган глобал миқёсдаги ушбу тадбир халқро ҳамжамиятта Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларининг улкан салоҳиятини яна бир бор намоиш этади.

Усмонжон БЎТАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

21 октябрь — Ўзбек тили байрами кун

ТИЛНИ ВАТАН КАБИ АСРАМОҚ КЕРАК

Тил — миллатнинг юраги, ўзликнинг овози, ватанга муҳаббат ифодаси. Халқнинг тарихий хотираси, маънавияти ва маданиятини намоён этувчи муқаддас неъмат.



Хуршидбек РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирлиги
маслаҳатчиси, подполковник

Юртимизда она тилимизга эътибор йил сайин ортиб бормоқда. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ушбу йўналишдаги амалий ҳаракатлар ривожини учун катта йўл очди. 21 октябрь мамлакатимизда Ўзбек тили байрами кунини сифатида белгиланди.

Бундан 36 йил муқаддам “Давлат тили ҳақида”ги қонун эълон қилинган ва ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Миллатнинг бирлиги, ўз сўзига эгалигини англатувчи мазкур қонуннинг қабул қилиниши юртимиз ҳали мустақилликка эришмаган паллада, айтиш мумкинлики, ўша давр зиялиларининг маънавий жасорати, миллатимизни мустақиллик сари бошлаб борган илк қадамларидан бири бўлган.

талаб қилиши табиий. Бироқ ёзилганда “Алим Тахтаев” бўлса ҳам лоақал оғзани нутқда “Олимжон Тўхтаев” дейилса, бошқа одамга айланиб қолмайди-ку! Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, дейишади. Ҳаммаси инсон истагига боғлиқ, аслида.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Шерзодхон Қудратхўжа ўз исми-шарифидаги “ев” қўшимчасидан воз кечгани ижтимоий тармоқларда ижобий муҳокамаларга сабаб бўлган эди.

Ички ишлар вазирлиги фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Эркин Норғитовнинг тизимда минглаб шоғирларни бор. Генералнинг исми тутилган пайтда хатотик билан ҳужжатга Иркин тарзида ёзилган экан. Генерал шунини ўзгартиришга журъат қилиб, барча ҳужжатларини янгилади ва оталари қўйган исми Эркинга айланди. Бир сўхбатда у: “Ана энди кўнглим хотиржам, қайта туғилгандек бўлдим!” деганди ҳажжонланиб. Фахрий генералнинг шахсий ибратини кўпчилик учун сабоқ бўлиши керак, назаримда.

Оқоридаги ҳолатлар ҳам миллий тилимизга муносабат ва уни қандай тушунишимизни кўрсатади. Ачинарлиси, ҳозирги вақтда келажакни фақат хорижий тил билан тасаввур этадиган, богча ёшидаги фарзанди рус ёки инглиз тилида сўзласа, шунини муваффақият деб биладиган оилалар бор. Ахир инсон боласи, аввало, ўз тилини билса, илк бор “она”, “ватан” каби сўзларни ўз она тилида талаффуз қилиб, муқаддас қадриятларини англагач, бошқа тилларни ўрганса, тўғри бўлмайdimи? Бошқача айтганда, пойдевор миллий рух билан суғорилмаса, ўнга тилини билган бўлса-да, келажакда ундан чинакам ватанпарвар инсон етишиб чиқмайди.

Қадим замонлардан бизгача етиб келган, аждодларимизнинг қони, жасорати, сабру матонати ила барҳаёт яшаётган тилимизни асраш, уни ватан каби ҳимоя қилиш бугунги авлоднинг муқаддас бурчидир.

Ўтган вақт оралиғида тилимиз софлигини асраш, уни ривожлантириш, бор гўзаллиги ва жозибаси билан келажак авлодларга етказиш хусусида кўп гаплар айtilди. Амалда эса аксарият давлат идораларидаги ёзишмалар, хат ва ҳужжатлар рус тилида юритилишда давом этди. Шукрки, охириги беш-олти йилда давлат тилида иш юритиш, ёзишмаларни лотин ёзувида асосланган ўзбек имлосида ёзиш, китоблар ва даврий нашрларни лотин имлосида чоп этиш қўла-ми ортди.

Ташқи рекламалар матни, энг аввало, давлат тилида берилиши, турли янги фирма ва тадбиркорлик субъектларига ном танлашда ўзбек тили имкониятларидан фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Ҳозирги кунда “Райхон”, “Хавас”, “Анор”, “Анжир”, “Дарё”, “Соф” каби ўзбекона номлар қўлайиб, оммалашиб бораётгани қувонарли, албатта. Шу билан бирга, фақат хорижий номни устун қўриб, пештоқига рус, инглиз, хитой тилида ном ёзилган турли даргоҳлар сони ҳам камайгани йўқ.

Бугун тилимиз нуфузини ошириш, уни муқаддас қадрият сифатида авлоддан авлодга етказиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Энди ҳар бир юрtdошимиз тилга гурур, ор-номус иши деб қараса, вазият, албатта, ижобий томонга ўзгаради.

Кузатганимизси, исми ёки фамилияси ҳужжатда хато ёзилганини тан олгиси келмай, ўша ёзилганини тўғри деб билувчи тоифа одамлар ҳам бор. Улар ўзгаришни хоҳламайди. Масалан, Алимов деган одамни Олимов десаңгиз, буни ҳақоратдай қабул қилади. Ахир бобосининг бобоси туғилганда “алим” эмас, “олим” бўлсан деган маънода қулгоғига азон чақирилган бўлса керак. Ёки “Тўхтаев” десаңгиз, “Йўқ, мен Тахтаевман!” деб ёқа йиртадиганлар. Қўчқоров, Хўжаев дейишдан уялиб, Кучқаров, Ҳаджаев дейишнингизни талаб қиладиганлар истасганча топилади.

Хатони тўғрилаш учун, дейлик, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, мактабни биттирганлик тўғрисидаги шаходатнома, паспорт, диплом ҳаммасини ўзгартириш вақт ва харажат, анча-мунча ҳужжатбозликни


Худо кўрсатмасин, эрта бир кунни хорижий тил ва ўша мамлакат маданияти шайдоси, ёт эллар қадрияти ва шахсларини



улуғловчи қавм юзага келмайдими? Ахир инсон қайси тилда фикрласа, ўша миллатга хизмат қилиши ҳақиқат-ку!

Ёки ўз оиласида ўзбек тилида сўзлашишни ор билган миллатдошларимизни ким деб аташ мумкин? Бу шу юртда туғилиб, шу эл фарзанди бўла туриб, миллатга хиёнат, аждодлар руҳига бепасанд муносабат, орсизлик эмасми?!

Бугун юртимиз дунёга ўз эшикларини очди, жаҳон мамлакатлари бизга ирилмоқда. Ҳар кунни кўча-кўйда турли миллат вакиллари учратиш одатий ҳолга айланиб қолган. Қизиги шундаки, юртимизга келиб фаолият юритаётган тадбиркор, таълим соҳаси вакили ёки бошқа касб эгаларининг аксарияти ўзбек тилини ўрганиш курслари-га қатнамоқда. Айримларининг юртимиз ва одамларимиз ҳақидаги илиқ таассуротлари-



ни ижтимоий тармоқлар орқали кўп кузатаман. Хорижлик меҳмонларнинг хайрат ва ҳаваси, миллатимиз тарихи ва маданиятига ҳурмати жуда баланд. Шундай кезде ўз тилидан оранган миллатдошларимизни ким деб аташга хайронсиз киши.

Марҳум адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов “Дафтар хошиясидаги битиклар” китобида қуйидагича ёзганди: “Қанча кўп тилини билсангиз, шунча яхши. Бироқ одам она тилида тафаккур қилади, она тилида туш кўради, она тилида йиғлайди... Улим олдида онасини она тилида йўқлайди...”

Сўнгги йилларда “смарт”, “челленж”, “стартап”, “фейк”, “пресс-тур” каби бошқа тиллардан кириб келган сўзлар мулоқоти-мизда кўп ишлатилмоқда. Тараққиёт бор, илм-фун ривожланар экан, тилимизга ёт сўзлар кириб келиши табиий жараён.

Лекин ўзбек тилида аксарият ёт сўзларнинг мазмун-моҳиятини англатувчи муқобиллар мавжуд. Бироқ уни кўпчи-лигимиз билмаймиз ёки мулоқотда кам фойдаланганимиз. Шу боис, ўша янги сўзларни қўллашда ўз тилимизда мавжуд бўлган аини шу маънони англатувчи сўзлардан кўпроқ фойдаланиш, уларни тарғиб этиш-ни, аҳоли, айниқса, ёшларга тушунтириш зарур.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси томонидан Ўзбек тили қоида ва меъёрлари асосида шакллантирилган ҳамда расмий муомала-га киририлган янги сўз ва атамалар рўйхати тасдиқланди. Ушбу рўйхатда, жумладан, мотивация — руҳлантириш, рағбат, айсеберг — музтоғ, даставка — етказиш, линк — ҳавола, навигатор — йўллагич,

бодикамера — ёнкамера, челленж — чорлов, смарт — ақли каби бир қатор сўзлар берилган. Янги сўз ва ибораларни тилимиздаги муқобил вариантларини топиш ва истеъмолга киритиш бўйича изланишлар илмий муассасалардан ташқари ҳар бир вазирлик ҳамда идораларда ҳам олиб боришмоқда.

Жамиятда бу жараённинг муваффақия-ти, ўзбек тилида тақдим этилган янги сўзларнинг келгусида муомала жараёнида ўз ўрнини топиши ва тилимиз шунга кўники-шига боғлиқ, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.

34751 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.

Баҳоси келишилган нарҳда.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН ҚАТНАСҚУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.

34751 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов

Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева

Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 02:45 Топширилди — 02:45